O'ZBEKISTON
INV.№

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2002 йил, 29 июнь, шанба № 78 (1654). Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, 29 июня, 2002 год № 78 (1654). В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Журналистлар байрами

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланаётир. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассамдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги сўлим боғида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда журналистлар ва матбаачилар, турли вазирлик, қўмита, муассаса, идоралар вакиллари, газетхонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Байрамда сўзга чиққанлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб этиш, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, орзу интилишларини кенг акс эттириш, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнини ҳаққоний ва тезкор ёритиш борасида журналистлар олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида гапирди. Доимий эътибори, самимий истаклари учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, журналистларимиз ҳаётнинг олдинги сафларида юриши, мамлакатимиз ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишида, жамоатчиликни ўйлантириб турган мураккаб саволларга жавоб топишда кўмакдош бўлмоғи лозим.

Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситаларини демократлаштириши янада кучайтириш, улар саҳифасидан жамиятдаги мавжуд турлича қарашларга кенг ўрин бериш, ҳаёт ўзгаришларини холис ва ҳаққоний ёритишда жамиятимиз суянчи ва таянчи бўлиш борасидаги фикрлари республика қалам аҳлини янги ижодий изланишларга даъват этади. Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти—2001» танловининг ғолиби ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Таниқли санъаткорларнинг катта концерт дастури байрамга ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади. Тадбир доирасида журналистлар ўртасида турли мусобақалар бўлиб ўтди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Муаммони биргаликда ҳал этайлик

2001 йилда сайёрамизнинг уч миллион аҳолиси ОИТСдан вафот этди. 40 миллион нафардан зиёд киши эса ОИВ-инфекцияси юқтирувчилари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш пайтида шприцлар орқали зарарланган.

Ушбу маълумотлар Тошкентда «Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари: вазиятни баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар» мавзуида ўтказилаётган минтақавий анжумандаги маърузаларда келтирилди.

Халқаро анжуманнинг иккинчи куни гиёҳванд моддаларни Тошкентнинг саноат корхоналаридан бирида ёқиш билан бошланди. Судларнинг бу ҳақдаги қарорлари кучга кирганидан сўнг 2 тонна 228 килограмм психотроп моддалар, яъни таряк, героин, наша, марихуана каби моддалар йўқ қилинди. Ушбу моддалар мамлакатимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан мусодара қилинган эди.

Мутахассислар маълумотларига кўра, кейинги пайтда Марказий Осиё давлатларида гиёҳвандлик моддаларнинг тарқалиши ва уларни истеъмол қилишнинг кўпайиши кузатилмоқда. Бу кўпинча минтақа ҳудуди орқали Афғонистондан дунёнинг бошқа мамлакатларига қилинаётган наркобизнес транзитининг фаоллашуви оқибатидир. Бу муаммо кўлами кенгайиб бормоқда ва бутун дунё ҳамжамияти уни ҳал қилиш ташвишида.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича давлат тизими ташкил этилган бўлиб, унда жамоатчилик ҳам иштирок этаётир. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва бошқа тузилмалар томонидан амалга оширилаётган ишларни республикамиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси ҳамда тегишли Миллий марказ мувофиқлаштиради. Шунингдек, бу борада халқаро ташкилотлар кадрларни тайёрлаш, техник жиҳозлаш, таълим дастурлари орқали ёрдам бермоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча вилоятларда гиёҳвандлар учун 230 та «ишонч пунктларини» ташкил этган. Мутахассислар маслаҳатлари бу ерга мурожаат қилаётганлар учун ОИТС билан зарарланиш даражасини пасайтириш имконини берянти. Ўзбекистон Республикасида 2002—2005 йилларда ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича давлат дастури тайёрланди. Швейцария ҳукумати билан Европанинг етакчи наркология клиникаларида ушбу соҳа кадрларини тайёрлаш борасида шартнома тузилган. Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасалари мамлакатимиздаги ёшлар ташкилотлари ҳамда таълим тизими мутахассислари билан фаол ҳамкорлик олиб борянти. Ўқув юртларида ихтисослаштирилган курслар жорий қилинган. гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга қарши оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, минтақавий анжуман давомида гиёҳвандлик моддаларига талабни камайтириш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги, ЮНИСЕФ БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари сўзга чиқди. Марказий Осиё минтақасида гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик моддаларга қарши курашда кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги кўп жиҳатдан маҳаллий ҳукумат ва жаҳон ҳамжамиятининг БМТнинг Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш бўйича халқаро дастурини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришига боғлиқ экани таъкидланди. Ўтган йили ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош асассамблеясининг махсус сессияси ҳам ушбу мавзуга бағишланган эди.

Йиғилиш давомида қатор янги халқаро лойиҳалар ва дастурлар тақдим этилди. Ушбу лойиҳалар ва дастурлар нафақат заҳарли «оқ ажални» ишлаб чиқариш ва тарқалиши ҳамда истеъмол қилишнинг олдини олиш, балки ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга чоралар кўриш борасидаги фаолиятни фаоллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал этишга қаратилган. Анжуманда таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатларида мазкур лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий шароит эътиборга олиниши, минтақанинг тегишли давлат тузилмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиши шарт. Халқаро ташкилотларнинг янги лойиҳалари доирасида техник ёрдам кўрсатиш, Марказий Осиё давлатларининг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, мутахассислар учун бу борада малака ошириш семинарларини ташкил этиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси гиёҳвандлик моддаларига талабни камайтириш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган.

Анжуман иштирокчилари гиёҳвандлик моддаларига талабни камайтириш ва гиёҳвандликнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида халқаро ҳамда миллий тузилмалар фаолиятининг устувор вазифаларини муҳокама этди. Ишчи гуруҳлари йиғилиши давомида улар минтақа мамлакатларида гиёҳвандликнинг тарқалиши билан боғлиқ юзага келган вазиятни аниқлаш мақсадида ушбу давлатлар ташкилотлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларини кўриб чиқди.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда «Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари: вазиятни баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар» мавзуидаги уч кунлик минтақавий анжуман ўз ишини якунлади. Анжуман Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан Австрия ҳукумати, ЮСАИД, ЕХҲТ ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бюроси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуман давомида минтақа мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабни камайтириш, уларнинг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб тарқалиши ва транзитига қарши курашиш борасидаги хатти-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш имкониятлари муҳокама қилинди. Марказий Осиё республикалари вакиллари анжуман иштирокчиларини гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва тарқатишга доир вазият ва ҳукуматларнинг бу борадаги фаолияти билан таништирди. Ана шу муаммога йўналтирилган халқаро лойиҳалар ва дастурлар тақдимоти бўлиб ўтди. Қайд этилдики, гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабни камайтириш бугунги кунда минтақа мамлакатлари учунгина эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Анжуман доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатларида ва ишчи гуруҳлари йиғилишларида шу ҳусусда сўз борди.

Муҳокама натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги бешта йўналишга жамланган— сиёсат ва тарғибот, профилактика, даволаш ва реабилитация, ОИТС/ОИВнинг олдини олиш, ахборот тўплаш ва вазият мониторинги. Хусусан, миллий қонунчиликларнинг бу соҳадаги фаолиятни тартибга солувчи халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар билан янада уйғунлаштирилиши лозимлиги таъкидланди. Гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашга доир халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. Бу ишда минтақа мамлакатларининг жамоатчилик ташкилотлари янада фаол иштирок этиши керак. Шу йўналишда ташкил этилган миллий ва минтақавий тизимлар фаолиятини такомиллаштириш кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига йўналтирилиши лозим.

Анжуман тавсиялари Гиёҳвандликка қарши минтақавий дастурни ишлаб чиқиш пайтида эътиборга олинади. Ушбу дастурни амалга оширишда БМТнинг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ёрдам кўрсатади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

● В АКАДЕМИИ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

ПОСЛЕДНИЙ «БОЙ» —ОН ТРУДНЫЙ САМЫЙ

В огромных классах Академии Вооруженных Сил необычная тишина. Даже шумная группа журналистов с телевидения, приехавшая снимать выпускные экзамены, невольно стихла. Над разложенными на столах большими «простынями» карт сосредоточенно работали офицеры-выпускники. Ни один даже головы не поднял, чтобы взглянуть на забежавших на несколько минут журналистов.

Сегодня все выпускники решали тактическую летучку. Время ограниченное, а каждому необходимо не только хорошо уяснить поставленную задачу, с высокой штабной культурой оформить карту и необходимые боевые документы, но и принять обоснованное решение на предстоящий «бой». Решение, от которого в реальном бою зависит не только победа или успех в оборонительной или наступательной операции, но и жизни сотен, а то и тысяч подчиненных офицеров, военнослужащих контрактной службы, солдат и сержантов...

Начальник кафедры полковник Ергаш Алимухамедов сразу обратил внимание журналистов на подполковника Хусниддина Тураханова. Этот офицер-пограничник — первый кандидат на получение диплома с отличием. Карту он оформляет ничуть не хуже, чем работающие рядом офицеры-мотострелки. Сегодня, когда пограничные подразделения первыми сталкиваются с бандами международных террористов и экстремистов, умение организовать бой для них не менее важно, чем и для представителей других силовых структур.

В следующей аудитории столь же напряженная обстановка. Слушатели полностью углубились в свою боевую работу, не обращая внимания ни на соседей, ни на очередной звонок на перерыв. Начальник кафедры полковник Юрий Ташматов подсказывает: обратите внимание на майора Абдували Мусаева — очень способный офицер-артиллерист, борется за каждую оценку, проявляет большую старательность и аккуратность при отработке боевых документов. Бывший командир реактивного артиллерийского дивизиона, награжденный в январе 2000 года орденом «Шон-Шараф» II степени, и в стенах Академии отличается боевитостью и высоким профессиональным мастерством.

(Окончание на 2-й стр.).

● МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

Чтобы „пульт“ работал безотказно

Обладателям телевизоров с дистанционным управлением знакома эта ситуация — когда пульт вдруг дает сбой, они неохотно покидают уютный диван и начинают командовать «ящиком» вручную. В артиллерийских частях роль подобного передатчика команд возложена на батарею управления.

Лейтенанта Шухрата Каримова по праву считают одним из лучших офицеров части — находящийся под его подчинением «пульт» работает безотказно.



Знакомясь с командным составом этого воинского коллектива, поначалу был немного удивлен — лейтенант командует батареей, да еще ключевой! Однако позже пришло понимание того, что выбор был сделан не случайно — лейтенант Ш. Каримов уже шесть лет служит в артиллерии, пройдя за эти годы путь от рядового до командира батареи. Способного парня (сам он родом из кишлака Аймак Чиракчинского тумана Кашкадарьинского вилоята) приметили еще в «учебке», где он показал себя не только вдумчивым и умелым специалистом, но и авторитетным наставником. И когда заместитель командира учебного взвода, тогда еще старший сержант Ш. Каримов подал рапорт с просьбой оставить его на службу по контракту, ходатайствовали за него в полной уверенности — не подведет.

Так и вышло, службу новоиспеченный профессионал начал с должности старшины учебной батареи, хорошо освоил хозяйственные нюансы, позже стал старшиной уже в боевом дивизионе, где обратили внимание на его организаторские способности — нередко при необходимости подменял командиров групп на занятиях, активно участвовал в процессе обучения личного состава.

Пройдя обучение на краткосрочных офицерских курсах, младший лейтенант Ш. Каримов вернулся в часть уже командиром группы гаубичной батареи. И здесь долго не засиделся — вывел подразделение в лучшие, уверенно командовал батареей в период отсутствия командира, что дало основания командованию части вновь выдвинуть молодого офицера на вышестоящую должность.

И вот здесь поначалу было нелегко. Ведь одно дело служить в «учебке» или линейном подразделении, где у тебя в подчинении солдаты срочной службы, да и вышестоящие командиры четко регламентируют каждое твое действие. Здесь же, в батарее управления, более половины личного состава — это военнослужащие по контракту. Во-первых, под взглядами двух десятков пар глаз профессионалов нельзя допустить себе ни малейшего послабления или ошибки. Во-вторых, любой сбой в работе «управленцев» мгновенно вызывает задержки в действиях управляемых артиллерийских подразделений. А это — потеря времени, срыв выполнения учебной задачи, снижение боеспособности части.

Конечно, молодого лейтенанта не бросили «на выживание» — и командир части подполковник Абдусамад Раззаков, и исполняющий обязанности начальника штаба капитан Зокиржон Туйчиев в первое время помогали советом и поддержкой. Однако недаром говорится — хорошо помогать тому, кто старается сам. А лейтенанту очень хотелось оправдать доверие и сделать все для того, чтобы «пульт» в руках командира работал безотказно.

Сыграло тут свою роль и взаимопонимание с подчиненными. Иному молодому офицеру, сразу после школьной скамьи попавшему в училище, а затем в часть, бывает иногда трудновато понять подчиненных-контрактников, порой оказывающихся к тому же и старше по возрасту. Шухрату же их дела и заботы были близки и понятны, да и подчиненные очень болели за своего нового командира, поднявшегося из их же среды.

В общем, все эти составляющие и сложились в конечный результат — батарея управления вскоре стала одной из лучших в части. Командир батареи считает, что в успехе есть и заслуга его первых помощников, командиров группы артиллерийской разведки сержанта Акмаля Рахимова, вычислительной секции сержанта Озода Хайдарова, топогеодезической — сержанта Олима Рахматова, группы связи сержанта Азиза Ниятова. Все эти военнослужащие по контракту показали себя истинными профессионалами и в ходе контрольной проверки за зимний период обучения, когда часть стала одной из лучших в округе. Сами названия секций говорят о том, какой обширный спектр задач от разведки целей до обеспечения связи с огневыми расчетами возложен на эту батарею.

Впрочем, те успехи, за которые лейтенант Ш. Каримов был направлен участником слета молодых офицеров округа, уже стали историей. В разгаре летняя боевая учеба, а значит, Шухрату надо неустанно трудиться, чтобы доказывать вновь и вновь — «пульт» управления командира части работает безотказно.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвар».
Фото К. ТУРАЕВА.

Интизомлилик—ютуқлар калити

Ҳозир ёзги мавсум ўқув машғулотлари айни авжига чиққан пайт. Ютуқлар учун замин тайёрланяпти.

— Мавсум якунида имтиҳонлардан аъло баҳоларни қўлга киритиш учун шу кунларда қайси жиҳатларга жиддий эътибор бериш керак? — дея шахсий таркибга савол бераман.

Оддий аскар Камолиддин ҲУСАНОВ:

— Ҳар куни ҳар бир машғулотни пухта ўзлаштириш керак. Дафтаримизда қайдлар қанча кўпайса, уларни ўргансак, демак, билимимиз шунча ортади.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Фаррух МЕЙЛИЕВ:

— Жисмоний жиҳатдан чиниқишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун спорт билан мунтазам шуғулланмоқ керак. Айтайлик, югуриш, тош кўтариш...

Лейтенант Сандусмон ШЕРАЛИЕВ:

— Катта хизматчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Бунинг учун машғулотлардан ташқари катта авлод вакиллари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштириб турмоқ керак...

Барча жавобларда қайсидир маънода ютуқларни таъминлайдиган омиллар бор. Албатта, айтилган жиҳатлар жамулжам ҳолатда шахсий таркибни галаба сари етаклайди. Бироқ бир нарсани унутмаслик шарт, ютуқни интизомлилик таъминлайди. Шахсий таркибнинг кун тартибига қатъий риоя қилиши, Умумҳарбий Низомларни пухта билиши ва уларга огишмай амал қилиши, бўйсунувчанлик охир-оқибатда юқори кўрсаткичлар билан ошно қилади. Шуни унутмаслик керакки, бир хизматчининг тартиббузарлиги бутун бир гуруҳнинг кўрсаткичларига салбий таъсир этиши мумкин.

Ўқув машғулотлари қизғин давом этаётган шу кунларда бизнинг Тошкент ҳарбий округ прокуратураси ходимлари тез-тез округимиз қисм ва бўлинмаларида бўлишиб, улар билан амалдаги Қонунлар, Низомлар тўғрисида суҳбатлар ўтказяпмиз. Шахсий таркибни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳар бир моддаси, ҳар бир бандини пухта билиб олишларига эътиборни қаратяпмиз.

Маълумки, Қонунларни, Низомларни, тартиб-қоидаларни яхши билган ҳарбий хизматчи тартибни бузмайди. Интизом мустаҳкам жойда тартиб ҳам кўнгилдагидек бўлади. Шуни яхши билингки, интизомлилик ютуқлар калити ҳисобланади.

Адлия капитани
С. ЧОРИЕВ.

ПЛАНЕТЫ УЛЬС

Югославский президент Воислав Коштуница официально объявил о своем участии в предстоящих президентских выборах.

«Я имею право быть кандидатом в президенты Сербии, как любой другой политический деятель этой страны», — заявил он на пресс-конференции в Белграде. Выборы должны состояться в конце этого года или в начале 2003.

***

Встречей единомышленников назвал президент России Владимир Путин состоявшийся в Кананаскисе саммит лидеров стран «большой восьмерки». Выступая на итоговой пресс-конференции, Путин сообщил, что на встрече обсуждались острые международные проблемы, состоялась дискуссия по экономическим вопросам, позволившая определить «ориентиры развития».

***

В Нью-Йорке состоялись переговоры представителей США и КНДР, посвященные возобновлению диалога между двумя странами. На встрече американского дипломата Джека Притчарда и главы миссии Северной Кореи при ООН Пон Джил Пака обсуждались формальные вопросы: где и когда произойдет новая встреча, и кто примет в ней участие. Как сообщил высокопоставленный источник в США, стороны ни о чем не договорились.

***

В зимний период внутренний двор здания московской мэрии на Тверской, 13 будет подогреваться. Двор общей площадью около 600 кв. метров будет отапливаться с помощью специальных трубок, по которым будет циркулировать горячая вода. Наполовину работы уже выполнены. Основная цель внедрения этой системы — растапливание снега и льда зимой.

***

Власти Шри-Ланки сообщили в пятницу, что в восточной части Шри-Ланки пять человек были убиты и 35 ранены в столкновении между тамилами и представителями мусульманской общины.

Столкновения продолжались в городе Валачченай в течение нескольких дней.

***

В Буэнос-Айресе прошли массовые выступления оппозиции. Тысячи недовольных политикой правительства Аргентины граждан собрались у здания правительства, чтобы выразить свой протест против слишком жестких, по их мнению, действий полиции. Ранее для разгона демонстрантов полиция применяла слезоточивый газ и резиновые пули, в результате чего погибли два человека, еще около 90 получили ранения.

***

Правительство Тайваня приняло неожиданное решение отказаться от публичного соблюдения культа основателя независимого тайваньского государства, известнейшего китайского политика Чан Кайши. Министерство внутренних дел сообщило, что, начиная с июля, портреты Чан Кайши и его сына (бывшего президента Тайваня) будут убраны из всех административных учреждений, школ, заводских цехов и т. п.

***

В опубликованном в пятницу интервью в газете «Вашингтон Таймс» министр обороны США Дональд Рамсфелд заявил, что в Афганистане боевики из группировки Усамы бен Ладена по-прежнему снабжаются оружием и военным оборудованием. Он также сообщил, что американские войска перехватили большой военный груз, предназначавшийся боевикам «Аль-Канда».

(По страницам Интернета).

Юксак марралар кўзланмоқда

Майор Ғайрат Мирзаев командирлигидаги алоқачилар батальони илғорликнинг ҳадисини олган ҳарбий жамоалардан ҳисобланади. Кузги, шунингдек, баҳорги синов машғулотларида ҳам улар барча тайёргарликлар бўйича қисмда биринчи ўринни олишган. Аммо илғорликни қўлга киритиш, майор Равшан Хўжанов бошчилигидаги мусобақадош жамоани енгиб ўтиш ўз-ўзидан амалга ошмади. Назарий ва амалий машғулотларида сифатига, тартиб-интизомга, жанговар техника ва махсус алоқа воситаларининг шайлигига катта эътибор берилди. Худди шу уч нарса эришилган ютуқларга мустаҳкам пойдевор, таянч вазифасини ўтади.

Тегишли машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари майор Аҳрор Абдураҳмонов, штаб бошлиғи капитан Баҳодир Алиевларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. Батальон техники шартнома бўйича хизмат катта сержанти Акмал Нуралиев, шартнома бўйича хизмат сержантлари — телефон-телеграф маркази бошлиғи Раҳимжон Зулпиев, унинг ўринбосари Эlaдор Кашапов, оддий аскарлар — Шерзод Сулаймонов, Ёқубжон Ҳожимирзаев, Нодирбек Баратов, Бунёдбек Достонов каби посбонлар ўзларининг интилишлари, ютуқлари билан сафдошларга намуна кўрсатдилар.

Бугунги кунда ушбу жамоа аъзолари ёзги ўқув мавсуми машғулотларида янада фаол қатнашмоқдалар. Барчанинг диққат-эътибори илғорликни сақлаб қолишга, Мустақиллик байрамини муносиб натижалар билан кутиб олишга қаратилган. Табиийки, бунда асосий масъулият устоз офицерлар, сержантлар, аълочи аскарлар зиммасига тушмоқда.

Ўтган мавсумдаги айрим хато ва камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда, жанговар техникалар шайлигига, ёш аскарларни ўқитиб-ўргатиш, уларнинг жамоага тезроқ сингишиб кетишлари учун ҳар бир жангчи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, десак асло хато бўлмайди.

Ҳа, айтганча, ушбу илғор жамоа **яқинда қисм** биринчилиги учун бўлиб ўтган футбол мусобақасида ҳам мутлоқ ғолиб бўлиб, асосий мукофотни қўлга киритди. Бу ҳам жамоа аъзоларининг кузги синов-имтиҳонларда янада юксак марраларни забт этишга ҳаракат қилаётганига яна бир мисолдир.

Капитан Н. АЗИМОВ.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

БОЕВОЕ ОХРАНЕНИЕ

Ночь. Тишина. Сквозь рваные клочья облаков вдруг выглядывает бледная луна и вновь прячется в набегающих тучах. Дождик слегка оросил землю и прекратился, словно раздумывая: продолжить или закончиться? Вместе со старшим лейтенантом Акрамом Муртазаевым идем проверять службу боевого охранения полевого лагеря. Мой провожатый из нового поколения узбекистанских офицеров, но уже успел побывать во многих переделках, окончил одно из военно-учебных заведений США, а теперь учит наших солдат-контрактников исходя из приобретенных на родной земле и в далекой Америке боевого и профессионального опыта и знаний.

— Стой, кто идет! — раздается голос в ночи.

Это младший сержант контрактной службы Панджи Рахимов. Вид у него в бронежилете, каске и при пулемете очень внушительный. Честно говоря, я не позавидовал бы нарушителю, который рискнул бы пересечь границу его поста.

Задаю сержанту-контрактнику вопросы. По ответам чувствуется, что свои обязанности он знает отлично и сможет умело действовать в самых серьезных ситуациях. Становится понятным, что командиры поставили на охрану склада ГСМ действительно надежного и рассудительного военнослужащего, способного принять самостоятельно правильное решение.

Мы уходим дальше, а часовой докладывает о проверке дежурному по лагерю. Времена, когда часовой был оторван от караула, кончились. Ныне у всех на постах мобильная связь.

Для того, чтобы проверить несение службы на наблюдательном посту боевого охранения, нам надо подняться на ближайшую гору. Путь неблизкий. А если учесть, что вокруг темнота и осыпи камней могут внезапно сорваться, то приходится смотреть в оба.

В общем-то пост охранения имеет точно назначенный сектор наблюдения. Но на деле там не забывают посматривать и в тыл, в сторону полевого лагеря. Нас окликают задолго до того, как мы обнаруживаем замаскировавшихся у высоты военнослужащих.

Короткие переговоры со старшим лейтенантом А. Муртазаевым, имеющим официальное право на проверку несения службы, и мне позволено задать вопросы несущим службу военнослужащим.

Даже в темноте видно, что расположились здесь настоящие военные-профессионалы. Оборудованы основные и запасные огневые позиции, место для отдыха. Все тщательно замаскировано: и с десяти метров не разглядишь. Двое военнослужащих несут службу, один отдыхает. Если к этому добавить, что вокруг абсолютно голая горная вершина, а бойцы имеют прицелы ночного видения, то «противнику» сюда не подойти даже на расстояние автоматного выстрела. Лагерь под надежной охраной.

Позднее, беседуя с командиром подразделения капитаном Баходыром Казаковым, попросил назвать тех, кто, по его мнению, лучше всех несут службу по охране полевого лагеря. Подумав, он назвал старшего лейтенанта Мурода Курганова, командира группы, умело выполняющего обязанности дежурного по лагерю, младших сержантов контрактной службы Н. Кельдиерова, Ш. Эргашева, Ю. Рахмонова и П. Рахимова, подрывника, снайпера, пулеметчика и снова подрывника, отлично несущих службу на постах боевого охранения. И, наконец, назвал фельдшера рядового контрактной службы Гайрата Джураева, бдительно несущего службу на контрольно-пропускном пункте лагеря.

Что подкупает каждого, кто проверяет несение службы воинами-контрактниками? Прежде всего их серьезное, по-настоящему профессиональное отношение к порученному делу. Начиная с момента заступления на наблюдательный пункт и до прибытия смены ни один военнослужащий не позволил себе ни разу снять каску или бронежилет, ослабить бдительность, а тем более отвлечься от наблюдения в указанном секторе. У военнослужащих срочной службы, особенно только начинающих воинскую службу, в этом полевом лагере постоянно был перед глазами хороший пример. Серьезное отношение к охране лагеря было видно во всем: в том, как военнослужащие-контрактники чистили в полевых условиях свое оружие, готовясь к заступлению на пост, как подгоняли обмундирование, как внимательно слушали на разводе инструктаж старшего начальника.

Да и на посту военнослужащего-контрактника видно издалека: ни одного лишнего шага, движение строго по маршруту, четкие команды и умелое владение оружием, способность сохранять спокойствие в самой экстремальной ситуации. Даже у входа в штаб учений, куда имели допуск только по пропускам офицеры самого высокого ранга, часовые несли службу бдительно и не реагировали ни на какие обиды старших начальников из других силовых структур, благодаря чему быстро приучили их к процедуре выписки временного пропуска даже на несколько минут посещения. С лицами наряда здесь не спорил никто.

Глядя на качественное несение службы воинами-профессионалами, наглядно начинаешь убеждаться в правильности курса на дальнейшую профессионализацию Вооруженных Сил независимого Узбекистана. Эти хорошо подготовленные парни, много знающие и умеющие, преданные делу независимости, без всякого сомнения, составляют тот костяк, на котором формируется наша армия XXI века.

В. НИКОЛАЕВ.

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!

САРДОРЛАРНИНГ САРДОРИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўлади-ки, улар билан суҳбатлашганингиз сайин янада кўпроқ суҳбат қургингиз, сўзларидан имкон қадар мўлроқ баҳра олгингиз келаверади. Шу онда шеърият мулкининг султони, буюк мутафаккир Навоий бобокалонимизнинг «Одам борки, одамларнинг нақшидур», деган пурмаъно сўзлари бот-бот қалбингизни чулғаб олаверади.

Қисм командири майор Шуҳрат Нормуродов ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради. Шуҳрат ва у сардорлик қилаётган ҳарбий жамоа аъзолари билан ҳамсуҳбат бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Муҳаммаджон аканинг икки фарзанди офицер бўлиб, мустақил Ўзбекистонга сидқидилдан хизмат қилишмоқда (Шуҳратнинг акаси Аҳмаджон катта лейтенант). Ҳозир майор Нормуродовнинг ўзи ҳам ота. Улар умр йўлдоши Гулойим билан икки фарзанд — Рисолатхон билан Суҳроббекларни софдил, меҳнатсевар, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашаяпти.

— Ғоҳида шундай бўлади-ки, умр йўлдошим болаларни фақат ухлаб ётганларида кўради, — дейди уй бекаси Гулойим. — Сабаби дадалари хизматдан келгунигача фарзандларимиз ухлаб қолишади, эрталаб хизматга кетганида улар ҳали ухлаб ётишади. Бироқ бундан мен ҳам, болаларимиз ҳам хафа эмасмиз. Чунончи, Ватан ҳимоясига умрини бағишлаган киши бор-ки, улар барчасининг турмуш тарзи шундай. Биз буни тўғри тушунамиз. Болаларимиз мабодо «дадамиз нега уйда кам бўладилар», деб бир оз хархаша қиладиган бўлишса дадаси ва мен, тоғаси (ҳарбий адлия капитани Бахтиёр Ҳасанов) ётиғи билан тушунтирамиз, ҳарбий касб шундай қилишни талаб этишини айтамиз: Дадаларининг уйда камроқ бўлишини назарда тутмасак, шукрки, тинч ва осуда ҳаётимиз учун ҳамма нарсамиз етарли. Шахсан мен ҳарбий кишининг умр йўлдоши эканлигимдан асло нолимайман.

Елгиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас, деган халқ мақоли бор. Оиласидан кўнгли тўқ командир билан суҳбатда бўлганимизда, у ҳарбий жамоа ютуқларига алоҳида ҳисса қўшиб келаётган қатор ҳамкасблари номларини фахр билан тилга олди. Ўроздбой Қобулов, Маҳмуджон Нурмуродов, Бурҳон Акбаров, Рустам Орипов, Улуғбек Ҳакимов, Равшан Раҳимов, Адҳамжон Ботиров, Шерзод Негманов сингари офицер ҳамда шартнома бўйича ва муддатли хизматдаги сержантлар, оддий аскарлар шулар жумласидан.

— Майор Нормурод бошлиқ бизнинг ҳарбий қисмимиз шахсий таркиби ҳар галги мавсумий ўқув машғулотларининг якуний синовларида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар олишга эришиб келаётир. Жумладан, бу йилги баҳорги синовларда ҳам шундай бўлди. Жамоамизнинг аксарият аъзолари юксак кўрсаткичларни қўлга киритиб, қўмондонлик таҳсинига сазовор бўлишди. Бунда албатта қисмимиз командири ҳамда бошқа тажрибали офицерларнинг таълим-тарбия бериш борасидаги саъй-ҳаракатлари яққол сезилиб турди. Ватан ҳимоячилари куни, Наврўзи олам ва бошқа умумхалқ байрамларини муносиб кутиб олиб, биз шу ойда бошланган ёзги ўқув машғулотларини ҳам кўтаринки руҳ, аъло кайфият билан бошлаб юбордик. Ниятимиз — навбатдаги ўқув мавсумини ҳам «аъло» баҳолар билан якунлаш, энг улуг ва азиз байрамимиз—Мустақиллик кунини муносиб даражада кутиб олиш, она-Ватанимиз сарҳадларини ҳамиша ишончли ҳимоя қилиш,— дейди гуруҳ командирининг ўринбосари сержант Улуғбек Ҳакимов.

— Жанговар, ижтимоий-сиёсий, тактик ва бошқа тайёргарликлар билан бирга шахсий таркибнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Абдулҳамид Қодиров. — Ёзувчи ва шоирлар, атоқли кишилар билан тез-тез учрашувлар ташкил этилади. Хушовоз хонандалар, созандаю раққосалар, гап усталари иштирокида концерт дастурлари уюштирилади. Дам олиш кунлари футбол, волейбол, шахмат-шашка, турникда тортилиш, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Аскарлар тарихий қадамжоларга саёҳат қилишади. Буларнинг барчаси янгидан-янги муваффақиятларга эришишимизда ўзига хос озиқу омил бўлмоқда. Яхши дам — меҳнатга (хизматга) ҳамдам, деб бежиз айтишмаганда, ахир. Ўтказилаётган тадбирларнинг самарали бўлишида, табиийки, қисмимиз командирининг хизматлари мудом сезилиб туради.

Дарҳақиқат, катта жамоанинг бошлиги, кўплаб сардорларнинг сардори майор Шуҳрат Нормуродов хизмат фаолияти, бу ерда олиб борилаётган ободончилик ва қурилиш ишлари билан танишиб, қисм командирининг том маънода ўз ўриндаги командир эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Қани энди ҳар бир жабҳада, ҳар бир соҳада ана шундай сардорлар даргалик қилса, деган фикр беихтиёр хаёлимиздан ўтди.

Подполковник Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

Суратда: **қисм командири майор Шуҳрат Нормуродов.**

Дадамнинг ўгитлари

— Ватанни севиш, унга садоқат билан хизмат қилишни менга дадам ўргатганлар,— дейди шартнома бўйича хизмат сержанти Муҳсин Ҳазратқулов.— Дадамдан жуда кўп нарсалар ўрганганман. Дўст билан қандай муомала қилиш, дўст билан душманни қандай фарқлаш — буларнинг барисини ёшлигимдан дадам қулоғимга қуйганлар. Мен дадамнинг гаплари нечоғлик қимматга эга эканлигини энди-энди англаб етаяпман.

Баъзан, дадамнинг гаплари ёдимга тушиб, ўйга толаман. Дадам ўгитларининг мағзини чақишга ҳаракат қиламан. Бугун улар ҳаёт йўлимни топишда, хизматимда асқотаяпти. Бир кун уйга ёзган мактубимдан дадам «Мусофирчиликда юриб сизларни соғиняпман», деган жумлаларни ўқиб қолибдилар ва жавоб мактубида менга танбеҳ бериб, «Қулоқ сол ўғлим! Инсон ҳеч қачон ўз юртида мусофир бўлмайди!.»— деб ёзиб юборибдилар. Бу ҳам менга бир сабоқ бўлди. Аммо шундан сўнг дадам ойижоним, укаларим билан тез-тез келиб мени кўриб кетадиган бўлдилар. Ҳозир ҳам мен уларни кутаяпман, икки кундан сўнг келишлари керак.

Муҳсиннинг дадаси ҳақида қизиқиб, сўрадик:

— Дадангиз олий маълумотлими?

— Йўқ. Дадам оддий деҳқон. Аммо бобомдан муносиб таълим олганлар. Қолаверса, Қайроқли (қишлоғим)нинг олди бўлган зиёли кишилардан сабоқ олганлар. Дадам ёшликларида қишлоқ зиёлиларининг давраларида бўлиб, суҳбатларини тинглар эканлар.

— Айтганча, дадам келади дедингиз-а. У киши билан таниссак бўладими?

— Албатта. Икки кундан сўнг келинг.

Икки кун ўтиб, биз яна ўша ҳарбий қисмда бўлдик. Муҳсиннинг дадасини ярим кун кутишга тўғри келди. Келганларидан сўнг у киши билан танишдик.

— Мен Ислом Ҳазратқулов, Самарқанд вилоятининг Ургут туманиданман,— деди у.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг ўз ёнида бўлишини хоҳлайди. Муҳсинжон эса сизнинг бағрингиздан анча узоқда. Соғинсангиз керак-а?

— Албатта. Лекин бир нарсадан менинг кўнглим тўқ-ки, Муҳсинжон Ватан бағрида, юрти қучоғида. Хоҳлаган вақтимда келиб, уни кўриб кетишим мумкин. Биласизми, инсон юзма-юз бўлганда айтолмаган гапларини мактуб орқали баён қилиши осон экан. Ўзи яқинда келиб кетган эдим. Ўғлимдан бир мактуб олдим. Унда битилган Муҳсинжоннинг сўзларидан меҳрим жўшиб кетди. Уни кўргим келди. Тезда унга келишимни маълум қилиб, мактуб йўлладим.

— Яхши ўғил отанинг фахри дейишади...

— Худди шундай. Ўғлим туфайли кўп бор раҳматлар, ташаккурлар эшитдим. Ота учун бунданда каттароқ бахт бўлмаса керак. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида қисм командирининг имзоси билан номимга битилган бир неча раҳматнома, ташаккурнома олганман. Уларни ўқир эканман, вужудимни аллақандай бир ажойиб ҳис чулғаб олди. Тўғриси, бу ҳолатимни ҳозир сизга тасвирлаб бера олмайман. Онаси эса уни ўқиб, кичик ўғлимни қучоқлаб, севинч кўз ёшлари тўкди.

Фарзандларимнинг ҳаммасини қаттиққўллик билан тарбия қилдим. Тўрт ўғлимни ҳам ёшлигидан спорт билан шуғулланишга ундадим. Ўғилларим билан тонг саҳарда туриб югурардик. Кўпчилик биздан кулар, баъзилар эса «энди ўғлларингизнинг ўзлари югуравершсин. Сизга ярашмас экан» дерди. Мен эса барибир ўз билганимдан қолмас эдим..

Беҳзод ШУКУРОВ, Маъмуржон ИЎЛДОШЕВ.

Жисмоний тайёргарлик машқлари аскарларнинг соғлом, бақувват, шунингдек, руҳий тетик бўлишида катта аҳамият касб этади.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Фурқат Назаров (чапда) бошчилигидаги посбонлар ҳам буни яхши билишади.

— Бўлинмамиз аскарларининг бадантарбия, спорт билан мунтазам шуғулланиши туфайли уларнинг назарий ва амалий машғулотлардаги фаоллиги ҳам ошмоқда, — дейди кичик командир фахр билан.

К. ТУРАЕВ олган сурат.

КЎНГЛИ ТОҒДАЙ ЎСДИ ОТАНИНГ

Бўрон ака Чориев ўғлининг битирув тантанасига, лейтенантлик унвонини олиш байрамига олис Сурхондарёнинг Шўрчи туманидан етиб келди. Эҳ, отанинг ҳаяжони, қувончини айтмайсизми. Баъзи кексалар: «Ҳа, Бўронбой 63 ёшингда. ёзнинг жазирама иссиғида овора бўлишинг шартми. Ҳали-замон ҳарбий либосни кийиб, ўзи бағрингга келади, ўғлинг», дейишса-да унамади.

«Шундай кунида ўғлимнинг ёнида бўлмасам, қувончини баҳам кўрмасам, қанақа ота бўлдим», деди ўзига-ўзи.

Дарвоқе, отанинг фарзанди Икром яқинда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, чегара қўшинларида хизмат қилиш учун йўлланма олди. У курсантлик даврида соҳа билимларини пухта эгаллаб, устозлари олқишига сазовор бўлди. Ота унинг командирларидан бу ҳақда эшитар экан, кўнгли тоғдай ўсди.

— Уч ўғил, уч қизим бор. Мана, ўғиллардан бири офицер бўлди. Буни қарангки, кичиги ҳам акасига ҳавас қилиб, ҳозирдан ҳарбий бўлишга тайёргарликни бошлаб юборган. Акасидек офицер бўлса, хурсанд бўламан, дуо қиламан,— дейди ота.

— Мустақилликнинг 11 йиллиги олдидан билим юртини тугаллаб, офицер бўлдим. Мен Ватанга, истиқлолдек буюк неъматга садоқат билан хизмат қилишга сўз берганман. Чекимга юртимиз сарҳадлари, чегаралари қўриқлашдек масъулиятли вазифа тушди. Билимим, тажрибамни янада такомиллаштириб, халқим, ота-онам олдида ёруғ юз билан қолишга ҳаракат қиламан, — дейди лейтенант Икром Чориев.

Кашитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Чет эл армияларидаги миналар ва уларнинг характеристикаси

Мина МК-7 (Буюк Британия, а сурат) — занжирга қарши, фугас. Минанинг оғирлиги (ВВ) — 13 (6—9,1) кг; баландлиги — 127 мм; диаметри — 330 мм; корпуси материали — пўлат; портлатувчининг тури — механик № 4 ва № 5; ишга тушиш кучланиши — 180 кг/с².

Мина МК-7 унинг қисиладиган қопқоғига қилинадиган таъсирдан ишга тушади. Қисиладиган қопқоқ унга маҳкамланган тиқин билан бирга пастга тушади ва портлатувчи узатмасини босади, натижада портлаш ҳосил бўлади. Мина қайта таъсирдан ишга тушадиган портлатувчи (икки тактли) билан ўрнатилиши мумкин.

Топилган мина накладли заряд (400 г ВВ) билан яксон қилинади.

Мина М-102 (Швеция, б сурат) — занжирга қарши, корпуссиз. Минанинг оғирлиги (ВВ) — 8 (7,5) кг; диаметри — 300 мм; баландлиги — 70 мм; портлатувчи — механик; ишга тушиш кучланиши — 150—200 кг/с². Мина (ВВ) зарядан қилинган бўлиб, у ясси тўғалак (диск) шаклида, устида портлатувчи учун пилтали резбали тешик жойлашган.



Танкка қарши миналар МК-7 (Буюк Британия, а) ва М-102 (Швеция, б).

Портлатувчи пластмассадан тайёрланган ва учталик (тройник) кўринишидаги узатмаси мавжуд.

Мина М-3 (Бельгия, а сурат) — танкка қарши, фугас. Мина (заряд)нинг оғирлиги — 6,8 (6) кг; узунлиги — 220 мм; эни — 220 мм; баландлиги — 130 мм; корпуси материали — пластмасса; портлатувчининг тури — механик, қисиладиган ҳаракатли; ишга тушиш кучланиши — 250 кг/с². Мина корпуси призмасимон шаклга эга бўлиб, яшил рангга бўялган жуда мустаҳкам полиэтилендан тайёрланган. Корпуснинг устки қисмида пилта тешик ва резбали бакелит тўғалак (диск) жойлашган.

Мина М-21 (АҚШ, б сурат) — танкка қарши, тубга қарши, кумулятив. Мина (заряд)нинг оғирлиги — 8,5 (4,8) кг; корпуси материали — металл; портлатувчининг тури — механик штирли. Мина портлатувчи штири эгилганда портлайди, натижада порохли заряд алангаланади. Портлатувчининг ишга тушишини таъминлайди. Ундан детонатор ва асосий (кумулятив) мина заряди портлаб, техника тубини тешади ҳамда экипажни нобуд қилади.



Танкка қарши миналар М-3 (Бельгия, а) ва М-21 (АҚШ, б).

ПОСЛЕДНИЙ «БОЙ»—ОН ТРУДНЫЙ САМЫЙ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

А про майора Латифа Абдуллаева преподаватели говорят не только как о хорошем офицере и специалисте тыла, но и как об умелом воспитателе подчиненных. Здесь, в Академии, он в числе самых активных участников всех общественных мероприятий, а в ходе стажировки не раз демонстрировал умение найти подход к самым «трудновоспитуемым» солдатам и военнослужащим контрактной службы. И если надо выступить перед военнослужащими, то он не хуже любого штатного офицера-воспитателя способен рассказать о последних событиях в стране и за рубежом, толково разъяснить задачи, стоящие перед каждым военнослужащим в свете последних решений правительства и указов Президента.

Подходит к концу время, отведенное на принятие решения. Офицеры-выпускники уже работают на компьютерах — сегодня в штабах воинских частей есть самая современная оргтехника. Вскоре красиво оформленные и отпечатанные на цветных принтерах схемы и диаграммы, планы и решения вместе с отработанными решениями лягут на стол экзаменационной комиссии. Работающие в ней генералы и офицеры знают: одинаковых решений не будет. В нашей Академии Вооруженных Сил требуют от слушателей творческого подхода к организации боя. Другое дело — каждое решение должно найти путь к победе. У кого он будет самым коротким и эффективным? Это и определит итоговая оценка за последний, самый трудный «бой» слушателей-выпускников.

Подполковник В. КАЛОШИН.

Военно политические новости

УЖЕСТОЧИЛИ ТРЕБОВАНИЯ

Согласно опубликованному в США докладу, события одиннадцатого сентября и последующая война с терроризмом отразились на судьбах беженцев во всем мире. В соответствии с исследованием, проведенным неправительственным Комитетом по делам беженцев США, их число в 2001 году возросло почти до пятнадцати миллионов, это самый высокий показатель за последние шесть лет. Однако, из-за усилившейся обеспокоенности по поводу безопасности, многие страны крайне неохотно принимают беженцев. Согласно докладу, атаки на Нью-Йорк и Вашингтон привели к полному прекращению въезда беженцев в Америку на несколько недель, в течение которых пересматривались меры безопасности. Не только США, но и другие страны, такие, как Великобритания, Германия и Дания, ужесточили въездные требования для беженцев из соображений безопасности.

РЕФЕРЕНДУМ НЕОБХОДИМ

Крупнейшая оппозиционная партия Финляндии заявила, что в стране необходимо провести референдум по вопросу о присоединении к НАТО. Вместе с тем, исследования общественного мнения в Финляндии показывают, что подавляющее число граждан — против вступления страны в Североатлантический альянс.

Финляндия не входит в военные блоки, но ее вооруженные силы принимают участие в миротворческих миссиях ООН и НАТО.

МИГи В ЙЕМЕНЕ

В Йемен поступила партия российских истребителей МИГ-29. Контрактом предусмотрена поставка 15 самолетов, однако йеменская сторона не уточнила, сколько истребителей получено в нынешней партии. По сообщению Йеменского агентства новостей, в церемонии приемки новых самолетов на авиабазе вблизи Саны принял участие президент страны Али Абдулла Салех.

БАСАЕВ ЖИВ?

Один из самых одиозных главарей чеченских боевиков Шамиль Басаев «жив и скрывается в горных районах Чечни». Об этом в четверг заявил глава администрации Чеченской республики Ахмад Кадыров. По его данным, Аслан Масхадов также скрывается в республике с личной охраной в количестве 8 человек.

Кадыров подчеркнул, что бывший лидер так называемой республики Ичкерии Масхадов, несмотря на свои заявления о желании возобновить диалог с Москвой, все еще призывает «убивать мирных людей, которые сотрудничают с федералами». Однако, по словам Кадырова, в настоящее время Масхадов уже не имеет влияния на главарей бандформирований.

ПРИНЯТО ЗАЯВЛЕНИЕ

Лидеры стран «большой восьмерки» приняли заявление по терроризму, в котором, в частности, призвали Пакистан прекратить террористические атаки с подконтрольной ему территории. В заявлении лидеры «восьмерки» также призвали Индию и Пакистан к непрерывному диалогу, а Израиль и руководство Палестинской национальной администрации — к взаимному уважению охраняемых границ.

ЕДИНСТВЕННЫЙ

Россия будет не только поддерживать, но и развивать центральный полигон Российской Федерации на Новой Земле, заявил, находясь в поездке на островах архипелага Новая Земля, министр обороны Сергей Иванов. Министр подчеркнул, что «это единственный в России полигон (для испытаний ядерного оружия) и другого в стране не будет». В то же время он сказал, что Россия не собирается возобновлять испытания ядерного оружия на этом полигоне.

ДО ОКТЯБРЯ

Министр обороны Индии Джордж Фернандес заявил, что войска, сосредоточенные на границе с Пакистаном, останутся на своих позициях как минимум до октября нынешнего года. Руководство Индии пока не считает, что усилий Пакистана достаточно для предотвращения проникновений исламских экстремистов на индийскую территорию.

(По страницам Интернета).

● 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ҚАЙНОҚ ҚАЛБ ЭГАСИ

Дунёда қанча одам бўлса, шунча феъл-атвор бор. Уларнинг яшаш тарзи, ҳаракат-қилиқлари, хоҳиш-раъйлари бир-биридан чунонам фарқ қиладики... Инсонга баҳо берилганда ўз-ўзидан унинг ўзгаларга бўлган муносабати асосий ўринда туради. Ҳаётда шундай одамлар учрайдики, уларнинг хатти-ҳаракатини кўриб-кузатиб, беихтиёр «Эҳ, қанийди ер юзи фақат шундай одамлардан иборат бўлса» деб юборасиз.

Яқинда хизмат юзасидан «Турон» санаториясига йўлим тушиб, у ерда бир отахон билан танишиб қолдим. 80 ёшни қаршилаётган Жуманиёз ота: «Қизим, мен ҳақда ҳам бирон нарса ёзсанг-чи, шунча ишларни қилиб қўйибман-у, мен ҳақимда ҳеч ким ҳеч нарса ёзмайди-я», — дедилар ҳазиллашиб. Ота билан яқиндан танишгач, ҳазилга ўралган ҳақиқат мени ушбу мақолани ёзишга даъват этди.



— Сиз нима ишларни қилдингиз-у, сиз ҳақингизда нималарни ёзиш керак, — деб сўрадим ҳазилни ҳазилга йўйиб. Суҳбатимиз отахоннинг ўзини таништиришдан бошланди:

— Мен, Жуманиёз Раҳимов, 1923 йили Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида туғилганман. 1938 йилдан буён, мендан сўрасанг, болам, қариб 56 йил эл-юрт хизматида бўлдим. Ўн беш ёшимдан бери тиним нима билмайман.

Ота билан узоқ вақтгача суҳбатлашдик. Тўрт йил умри иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ўтган Жуманиёз ота жанг тафсилотларидан гапириб бердилар. «Қишлоғимизнинг йигирма саккиз йигити баравар урушга жўнадик. Шундан фақат тўрттамизгина омон қайтдик. Шукр, ҳаётдан насибам бор экан, мана ҳозир мазза қилиб дам олиб ётибман», — дедилар ота.

Жуманиёз отанинг ёзишга арзийдиган томонини ҳали энди айтамиз. Ота номардлик ва адолатсизликка жуда аям муросасиз ва қўрқмас эканлар. «Мен кимнинг юлғичлик қилганини сезсам бўлди эди, дарров бетига айтиб берардим,—дейди ота. — У оддий одамми ёки раҳбарми, аяб ўтирмасдим, шунинг учун баъзи нафснинг қулига айланган раҳбарлар мендан ҳайиқиб туришарди. Узоқ йиллар мобайнида ҳисобчилик қилдим, омбор мудири бўлиб ишладим. Яратганга минг қатла шукр-ки, 12 та фарзандимни фақат ҳалол меҳнатим билан боқдим.

Энди, биласанми, нимани ёзишинг керак, қизим, менинг бозор очганимни. Қулоқ сол, нима учун ва қандай очганимни сенга гапириб бераман. Хуллас, Қўшкўпир туманининг етти-саккизта жамоа хўжалигида кундалик олди-сотди учун бозор йўқ эди. Деҳқон ўз маҳсулотини сотиш учун нисбатан яқинроқ бўлган Хива туманининг марказига ортиқча йўл харажати тўлаб, олиб боришга мажбур бўлса, олувчининг эса майда-чуйда харажат учун вақт йўқотиб, шунча жойга бориб келишдан бошқа иложи йўқ. Халқ жуда қийналаётган эди. Буни кўриб туриб қандай бефарқ қараб тура оласан. Холбуки, шундоғ ёнимизда бир пайтлари бозор бўлиб, кейинчалик шўро замонида пахта пунктига айлантирилган, бугунги кунда эса бекор ётган бозорбоп жой бор эди. Бу ҳақда икки йил мобайнида юқори ташкилотларга қатнайвериб, оёғим тўзди.

Додимга ҳеч ким қулоқ солмади. Охири, барака топкур вилоят ҳокими Ислом Бобожонов жонимга ора кирди. Мен таклиф қилаётган масаланинг қанчалик муҳимлигини тушуниб, шунга яраша маблағ ажратди. Оғири енгил бўлган Қўшкўпир халқининг хурсандлигини бир кўрсанг эди.

Бозорни очишдан сизга қандай фойда бўлди, деб сўрарсан. Ҳеч нарса. Бозор очилди-ю, мен хотиржам ухлайдиган бўлдим. Ҳатто шу бозорга ҳозир айланиб ҳам бормайман. Ахир мен бу ишларни савоб учун қилдим. Оғир юкларини ҳеч қандай ортиқча харажатсиз бирпасда манзилига етказаётган ҳамкишлоқларимнинг менга ҳар кўрганда қувониб кетишларининг ўзи мен учун кони бахт».

Суҳбатимиз узоқ давом этди. Гап орасида ота бугунги кунда ҳам бекор ўтирмаганини болаларига бошқош бўлиб, ҳар йили ижарага икки гектардан ер олиб, пахта экишини гапирдилар. Қўлимга ҳар йили экилган пахтанинг ва давлатга топширилган мажбуриятнинг ҳисоб-китоби ёзилган қоғозни тутдилар.

— Ҳисобчи бўлиб ишлаганман-да, ҳамма нарсанинг ҳисобини қилиб юраман, — дейдилар ота.

Қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Ўн йиллик кўрсаткич ёзилган бу қоғозда ҳар йили Жуманиёз ота жамоа хўжалиги ва тумандан олдин ўз мажбуриятини бажарган. Қаршимда ўтирган кичик жуссалик бу отахон ўз сўзлари, ишлари билан мени кўп ҳайратга солди.

— Сиз ҳақингизда ёзмаслик гуноҳ, — дедим унга.

— Яна бир нарсани ёзиб қўй, — дедилар ота охирида. — Мен умримда бир қултум ҳам ароқ ичмаганман. Давраларда қанчалик мажбурлашса ҳам ҳеч қачон ичмаганман. Ҳатто жангга киришдан олдин аскарларга бир стакандан ароқ беришарди. Шунда ҳам ичмаганман, улушимни ёнимдагиларга берардим. Бу ҳақда албатта ёз, кимларгадир ибрат бўлиши керак.

— Нуқул ўзингиз ҳақингизда гапирасиз, момомиз ҳақида ҳам бир нима денг, — дейман ҳазиллашиб.

— Момоғ ҳам қариб қолди. Бу йил 76 ёшга кирди. 12 фарзандимизни ҳам ўқимишли қилдик. 37 та неварамиз, 11 та чеварамиз бор, — деди ота соғинч туйғуси билан.

Қадим китоблардан бирида шундай жумлалар битилган:

«Анушервон бир донишмандан:

— Энг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сўради.

— Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш энг яхши яшашдир! — деб жавоб берди у ва давом этиб деди:

— Аммо яхши ном қолдириш абадий яшашдир!».

Жуманиёз ота билан суҳбатлашган киши унинг худди шу нарсага кўпроқ диққат билан қарашларини сезади.

— Кучим етганича одамларга яхшилик қилсам, ўзимдан яхши ном қолдирсам, — дейди отахон.

Гулсара ИСМОИЛОВА,
филология фанлари номзоди.

● ДОЛЗАРБ МУАММО

ЧЕКИШНИНГ СПОРТ ВОСИТАСИДАГИ РЕКЛАМАСИ

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жорий йилни «Жисмоний фаоллик — саломатлик гарови» шиори остида ўтказаётганидан кўпчилик газетхонларнинг хабари бўлса керак. Негаки, биз бу ҳақда мақолалардан бирида маълумот бериб ўтганмиз. Ҳозир тўхталадиган мавзуимизга бу бевосита дахлдор бўлгани учун эсладик.

Таъкидлаш лозимки, ўртага ташланаётган бу муаммо моҳиятига кўра долзарб аҳамият касб этади. Яъни, спорт воситасида чекишни реклама қилишга бўлаётган уриниш борасида фикрлашиб олиш ниятидамиз.

Албатта, тамаки компаниялари буни бошқача талқин қилишади. Аниқроғи, спорт мусобақаларига ҳомийлик ёрдами қилишаётгани, ҳатто воляга етмаганлар ўртасида чекишга қарши тарғибот ўтказишаётганини эътироф этиб, асосий мақсадни хаспўшлашади. Бу фақат бизнинг фикримиз эмас. Буни УССТ мутахассислари ҳам бир неча бора таъкидлашган. Энди келинг, мисоллар ёрдамида фикримизни асослашга уринайлик.

Дунёда тамаки компаниялари халқаро спорт мусобақаларига ҳомийлик қилишга йилига юзлаб миллион доллар сарфлашаётган экан. АҚШ Федерал савдо компаниясининг маълумотларига кўра, 1999 йилда мазкур мамлакатда тамаки компаниялари спорт тадбирларига ҳомийликда ўта «ҳотамтойликка» эришган. Ахир, 113,6 миллион АҚШ доллари сарф-лашганини бошқача қандай номлаш мумкин?

Хўш, бунинг нимаси ёмон, демоқчимисиз? УССТ мутахассисларининг маълумотларига таяниб, шу ўринда бир мисол билан саволингизга жавоб берайлик. «Бритиш Американ Табакко» компаниясининг Ҳиндистондаги филиали мамлакатда 1996 йилда ўтказилган крикет бўйича жаҳон чемпионатига ҳомийлик қилган. Ана шу воқеадан бир оз вақт ўтиб, ҳинд ўсмирлари орасида қашандалик 5 баробар ўсган.

«Рейналде» номли машҳур тамаки компаниясининг ички хизмат ёзувини хорижий ҳамкасбларимиз матбуотда эълон қилишганда роса шов-шувга сабаб бўлганди. Келинг, унинг айрим жумлаларини сизга таржима қилиб бера қолайлик: «Биз сигарет ишлаб чиқарамиз ва сотамиз, спорт билан шуғулланмаймиз. Спортдан фақатгина маҳсулотимизни реклама қилиш учун фойдаланамиз».

Ҳа, бир сўз билан айтганда, стадионларда, спорт ареналарида ана шундай маркетинг сиёсатини ўтказишади. Масалан, автопойга бугунги кунда футболдан кейин турадиган энг оммавий спорт турига айланиб бормоқда. Унга ҳомийлик қилиш улуши эса тамаки компанияларида ошиб бораётганини тушунса бўлади.

Дейлик, 1999 йилда «Формула-1» автопойгаси бўйича мусобақаларга кетган харажатларнинг учдан икки қисмини тамаки компаниялари қоплагани фикримиз исботидир. Янаям аниқроқ қилиб айтсак, «Бритиш Американ Рейсинг» командасига 75 миллион, «Макларен» командасига 45 миллион доллар, «Феррари» командасига 63 миллион доллар-лик ҳомийлик қилишди. Айнан ўша 1999 йилда тамаки компаниялари бу борада 250 миллион доллар-лик маблағ сарфлашган. Халқаро Автомобиль спорти федерацияси 2006 йилгача мазкур йўналишдаги мусобақаларда тамаки компаниялари ҳомийлигидан воз кечишга мажбурият олган бўлса-да, ҳануз «ҳотамтойлик» давом этмоқда.

Шу ўринда дунёнинг айрим мамлакатларида бу борада қилинаётган ҳомийликларга кўз югуртирсак. Уландада тамаки компанияси футбол бўйича мусобақага ҳомийлик қилади. «Йилнинг энг яхши спортчиси» танловига мукофот беради.

Покистонда қайиқда сузиш бўйича мусобақага БАТ ҳомийлик қилган бўлса, «Галлаххер» ва «Империал» компаниялари Англиядаги кўплаб спорт тадбирларини маблағ билан таъминлайди.

АҚШдаги энг оммавий спорт тури бўлган автомобиль пойгасига ҳомийлик бўйича «Винстон» компанияси етакчилик қилади.

Индонезияда бадминтон, бокс, мотопойга, баскетбол, футбол бўйича мусобақалар асосан тамаки компаниялари ҳомийлигида ўтади.

Қонун бўйича Малайзияда тамаки рекламаси қатъий назорат қилинади. Аммо назоратни четлаб ўтишнинг йўли сифатида спортни қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланилади.

Тамакини у ёки бу йўл билан реклама қилишни тақиқлаш самара берармикин, дея ўйланаётган бўлсангиз ҳам ажаб эмас. Маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Францияда реклама тақиқидан сўнг чекиш 15 фоизга камайган, Финляндияда эса 7 йил давомида 34 фоизга чекувчилар камайган.

Ўтган асрнинг 80-йиллар охирида Олимпия ҳаракати тамаки фирмалари ҳомийлигидан тўла воз кечган. УЕФА, ФИФА ҳам 1987 йилдан бошлаб шундай йўл тутиб келаётир. Бундан молиявий томондан ютқазилмаётганлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Яхшилаб ўйлаб кўрсак, бу муаммонинг мантиққа зид эканлигини англаб етамиз. Ахир, тинчлик, дўстлик, саломатлик элчиси бўлган спорт билан умр кушандаси бўлган чекиш ҳеч вақт уйғунлаша олмайди-да. Шу боисдан ҳам ҳозирда бу муаммо глобал ҳарактер касб этиб, кўплаб мулоҳаза, мунозараларга сабаб бўлаётир.

Капитан А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Экономика. Наука. Техника

СОКРАЩЕНИЕ

Крупнейший в Германии Дойче Банк планирует сократить дополнительно свыше 3 тыс. 700 рабочих мест в течение ближайших 12 месяцев. Как отмечается в заявлении банка, подобные меры направлены на дальнейшее сокращение расходов. Половина запланированного сокращения будет проведена в результате реструктуризации корпоративно-инвестиционного подразделения банка в США: будут уволены 1025 сотрудников, еще в среднем по 315 рабочих мест будут сокращены в Великобритании, других странах Европы и Азиатско-Тихоокеанском регионе. Дополнительно 1800 сотрудников планируется уволить в других подразделениях банка.

ҚУЁШ БАТАРЕЯЛИ ШИФОХОНА

Бўстонлиқ тумани Ембек ширкат хўжалигида замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ҳудуддаги 6 минг 800 нафар аҳоли малакали тиббий хизматдан фойдаланмоқда. Шифо масканн қуёш батареяси ёрдамида иситилади. Ушбу технология олис тоғ қишлоғида иссиқ сув ва иситиш муаммосига барҳам беради. Шунингдек, энергияни тежаш ва экологик муҳитни яхшилашга имкон яратади.

Врачлик пункти иситиш тизимини қуёш батареяси билан жиҳозлашда Грециянинг «Фураренес» фирмаси ёрдам кўрсатди. Тажриба тариқасида ўрнатилган қуёш батареяси қиш мавсумида ўзини оқласа, республикамизда кўплаб ишлаб чиқарилади ва талабгорларга етказиб берилади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

НЕ ЗАМЕТИЛИ...

Астрономы не заметили небольшой астероид, который прошел на близком от Земли расстоянии. 14 июня астероид диаметром 50—120 метров прошел на рекордно близком от нашей планеты расстоянии. По данным астрономов, этот случай — шестой в мировой истории проникновения астероида ближе пределов лунной орбиты, а сам объект стал самым большим из всех, проделывавших подобное ранее. Астероид был обнаружен 17 июня специалистами обсерватории Нью-Мексико. По словам ученых, объект пришел со стороны Солнца и поэтому оставался невидимым для телескопов.

ПРИОРИТЕТЫ

На развитие фундаментальной науки в России в 2003 году планируется выделить 39 млрд. рублей, что на 5 млрд. превышает соответствующий показатель за текущий год. Об этом на заседании правительства России заявил министр финансов Алексей Кудрин. Как сообщили в Департаменте правительственной информации, он отметил, что «приоритет в расходовании бюджетных средств в будущем году будет отдан обеспечению безопасности государства и правоохранительной деятельности, образованию, науке, судебной реформе, а также программам поддержки материнства и детства, борьбы с наркоманией». Эти приоритеты, подчеркнул министр, будут отражены в проекте федерального бюджета на 2003 год.

ПОИСКИ ХАКЕРА

Польский окружной прокурор Мирослав Адамски сообщил, что в Познани идут поиски хакера, который, по утверждению США, взломал компьютерную защиту НАСА, причинив ущерб в 1 млн. долларов. Адамски не подтвердил информацию о том, что взлом был произведен с компьютера из средней школы в Познани. В расследовании принимают участие агенты ФБР.

БУДЕТ ЗАПРЕЩЕНО

На следующей неделе в Ватикане будет запрещено курение в помещениях. Закон, одобренный папой римским Иоанном Павлом II и обнародованный в четверг, с 1 июля запретит курение почти во всех закрытых помещениях на территории этого маленького европейского города-государства. За курение придется заплатить штраф — 30 долларов.

(По страницам Интернета).

● ПАМЯТЬ

ОТЗОВИТЕСЬ, ФРОНТОВЫЕ ДРУЗЬЯ!

В редакцию газеты «Ватанпарвар» поступило письмо от участника войны 1941—1945 годов Горбатова Михаила Васильевича, проживающего в городе Екатеринбург. Предлагаем его краткое содержание нашим читателям. Возможно, кто-то из них вспомнит события, о которых рассказывает ветеран и напишет о них в редакцию.

— Мне не раз приходилось действовать в тяжелых боях плечом к плечу с бойцами из Узбекистана, — пишет Михаил Васильевич. — Особенно запомнился бой под Берлином, в котором участвовала батарея капитана Салиха Хусановича Умарова. Сам я тогда был водителем «студебеккера», возил на прицепе 76-мм пушку и служил во 2-й батарее 80-го артиллерийского полка 76-й дивизии 47-й армии. Эта пушка была куплена на свои средства одной гражданкой из Узбекистана, и воевал на ней наводчиком брат этой женщины.

К сожалению, имена их я уже подзабыл, но воевал солдат из Узбекистана стойко и мужественно. Только в этом бою он у меня на глазах уничтожил два «тигра».

Много позже, на одной из встреч фронтовиков я узнал, что наводчик орудия хоть и был ранен в том бою, но остался жив. Командиром батареи тогда у нас был капитан Д. Боровлев, командовал полком украинец Постолако, а командиром орудия был Арефичев.

Если в Узбекистане есть люди, помнящие тот памятный для меня бой или знающие имя женщины, подарившей своему брату-наводчику 76-мм орудие, — откликнитесь! Я был свидетелем подвига воина-узбекистанца, и считаю, что новые поколения должны знать имена своих героев.

Отдел массовой работы и спорта.

● ЗАБОТА О БЫТЕ — ЗАБОТА О БОЕГОТОВНОСТИ

„ЭТО НАШ ДОМ“

Семь лет служит старшиной взвода военнослужащий по контракту Тулкин Кадыров. А вообще-то в армии он с 1985 года. Срочную проходил на Северном флоте, так что знания, опыт у него есть. Он успешно справляется с возложенными на него обязанностями. Подчиненные уважают своего старшину за чуткость, отзывчивость, внимательное отношение к их нуждам и запросам, постоянную заботу об улучшении бытовых условий личного состава, поддержание твердого уставного порядка. И не случайно этот взвод командование справедливо считает не только лучшим, но и образцовым.

Начнем с уставного порядка в подразделении. Важную роль в его поддержании, как сказал командир взвода капитан И. Байбутаев, играет старшина подразделения Т. Кадыров. Его первые помощники в этом деле — сержанты. Вместе с ними он организует учебу и службу личного состава, заботится об удовлетворении культурных запросов и бытовых нужд, проверяет несение внутренней службы, выполнение расписания занятий и распорядка дня, устраняя обнаруженные недостатки.

— В результате наведенный старшиной уставной порядок, — говорит командир взвода, — вносит в службу и учебу воинов четкость, слаженность, целеустремленность. Все это сплачивает личный состав в дружный боевой коллектив, вырабатывает у солдат необходимые привычки и навыки, закаляет их волю.

Кроме этого, старшина взвода Т. Кадыров тщательно проводит инструктаж наряда, сопровождая его показом практических действий. Постоянно проверяет знание и выполнение лицами наряда их обязанностей. Воспитывает воинов в духе сознательной дисциплины с позиций принципиальной уставной требовательности. Повседневно и настойчиво добивается от подчиненных точного выполнения обязанностей по службе, приказов и распоряжений, примерного поведения в расположении подразделения и за его пределами.

Требовательность старшины взвода является свидетельством глубокого понимания им его личной ответственности за обучение и воспитание солдат, за боеготовность подразделения. Несомненно, она возвышает военнослужащего-контрактника Т. Кадырова в глазах подчиненных, укрепляет его авторитет.

Авторитет старшины постоянно растет и крепнет. Большой вклад он внес и вносит в улучшение бытовых условий личного состава. Вместе с воинами навел образцовый порядок в казарме. Здесь невольно приходишь к выводу, что слово «казарма» в привычном понимании никак не подходит к этому помещению. Правильнее было бы, наверное, называть его домом или солдатским общежитием.

Спальное помещение сооружено по принципу кубриковой системы. В нем ровными рядами расположены аккуратно заправленные кровати. Возле них — тапочки для солдат. Здесь же — тумбочки с необходимыми туалетными принадлежностями. На окнах — шторы и много комнатных цветов, которые помогают воинам обогащаться кислородом. На стенах — картины, написанные солдатами предыдущих призывов.

Что еще здесь привлекает внимание? Комната психологической разгрузки. Комната для просмотра телепередач, напоминающая небольшой зрительный зал с удобными креслами. Комната общественно-политической информации. И, конечно же, комната бытового обслуживания со своей парикмахерской, гладильной. А спортуголок, где есть все необходимое для занятий спортом, напоминает скорее пусть небольшой, но все-таки спортивный зал.

Да, пришлось старшине поработать! Приступив к исполнению своих обязанностей, Т. Кадыров энергично взялся за реконструкцию казармы. Своим отношением к делу увлек за собой солдат. В своем обращении к ним особо подчеркнул мысль о том, что это их дом, и что в нем все должно быть добротно и красиво.

— Нас, воинов весеннего призыва, — говорит рядовой Азиз Шакиров, — приятно удивила казарма, в которой мы живем. В ней уютно, просторно, светло, созданы все необходимые условия. Как в дом родной, возвращаемся мы сюда после напряженного учебного дня. Знаем, что здесь ждут, здесь можно отдохнуть.

В правильности выражения, что забота о быте — забота о боеготовности, невольно убеждаешься на примере увиденного. Не случайно личный состав этого подразделения успешно решает стоящие перед ним задачи, постоянно совершенствует свое мастерство и выучку. И немалая заслуга в этом принадлежит старшине взвода военнослужащему по контракту Т. Кадырову.

С. БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ГЕРМАНИЯ ЁШЛАРИ

1990 йил 3 октябрда икки Германия ягона давлат бўлиб бирлашди. Бу тарихий воқеа, айниқса ёшлар ҳаётида катта ўзгаришлар ясади. Бугунги кунда Германияда 82 миллион аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг қариб учдан бир қисмини, тўғрироғи 25 миллион кишини 27 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Германия ёшлари сиёсатга ҳайриҳоҳ бўлсаларда, кўпроқ иктимоий ва атроф муҳит билан боғлиқ муаммоларга қизиқадилар. Немис ёшларига хос сифатлардан бири мустақил яшашга интилишдир. Ўғил ёки қиз бола мактабни битириши билан оқ, ота-онасидан алоҳида бўлиб яшашга интилади. Албатта, ота-оналар бунга қаршилик кўрсатишмайди, аксинча қўллаб-қувватлашади.

Ғарбий ва Шарқий Германия ёшларининг муҳим иктимоий муаммоларидан бири ишсизликдир. Бу — Манҳаймдаги иктимоий тадқиқот институти сўровномасида аниқ кўрсатилган.

Иккала Германия бирлашгач, собиқ ГДРдаги кўпгина корхоналар рақобатга бардош беролмай ёпилди. Натижада ишсизлик муаммоси кучайди. Тўғри, ишсизлар давлатдан 1200 марка миқдорида нафақа олишади. Аммо немисларнинг турмуш тарзини ҳисобга олсак, оилали кишилар учун бу камроқдир.

Кўпгина ёшларнинг яна бир муҳим муаммоси ўқишдир. Келажагини ўйлаган талабалар, албатта ўқишга эўр беришади. Чунки яхши билим ва малакаси бўлмаган одамнинг иш ўрни топиши қийин кечади. Германия олий ўқув юртларига кириш анча осон-у, битириб чиқиш анча мушкул. Стипендия кам таъминланган оилалардан бўлган талабаларга берилади (шунда ҳам қарзга). Талаба диплом олиб ишга жойлашгач, йиллар давомида ўз қарзини давлатга тўлаши шарт. Шу сабабли кўп талабалар ўқиш ва ишни бир вақтда олиб борадилар. Ўқишдан бўш вақтларида газета сотиш, официантлик, хусусий дарс бериш, компьютер ишлари билан банд бўладилар.

Талабаларнинг машғулотларга қатнаш тартиби курслар бўйича қатъий қилиб белгилаб қўйилмаган. Талаба бу йил баъзи фанлардан машғулотга қатнашгиси келмаса ёки бунга вақти бўлмаса, ўз хоҳишига кўра ушбу фанлардан келаси йили бошқа курс талабалари билан таҳсил олиши мумкин. Юқори курсларда одатда ҳафтада бир марта махсус коллоквиумлар ўтказилиб, талабаларнинг мустақил равишда илмий маърузалар қилишларига катта эътибор берилади. Машғулотларга қатнаш мажбурий эмас, лекин талаба бирор фан бўйича имтиҳондан ўта олмаса, унга яна икки боргина қайта топшириш рухсат этилади. Учинчи бор ҳам имтиҳонни топшира олмаган талаба олий маскан билан хайрлашиши ҳеч гап эмас.

Ҳар бир университет ўз журналини нашр этади. Унда илмий хабарлар, талабалар ҳаётига боғлиқ муаммолар ёритилади. Собиқ талабалар билан улар ҳаётда нималарга эришганлари ва қандай муаммоларга дуч келишгани ҳақида суҳбатлар чоп этилади. Журналлар хоналар ёки талабалар ошхонасига кириш йўлакларига қўйилиб, бепул тарқатилади. Ҳар бир университет ўз китоб дўконига эгадир. Уларда кўпроқ талаба ва ўқитувчилар учун зарур бўлган илмий адабиётлар сотилади.

Германия китобсеварлари учун қулай ҳоллардан бири шуки, янги китоблар ҳақида маълумот берувчи журналлар бепулдир ва улар китоб дўконларда алоҳида жойда тўплаб қўйилади.

Рустам ПАЙЗИЕВ
тайёрлаган,
ЎзМУ хорижий филология факультети талабаси.

● ТУҲФА

«БЎЙДОҚ АСКАР»

Майор Абдураззоқ Обрўевнинг яқинда Ибн Сино нашриётида чоп этилган «Бўйдоқ аскар» китобчаси «Ватанпарвар» газетасининг 10 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

Даставвал муаллиф ҳақида икки оғиз сўз. У Москва давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаб, бир неча йил Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, сўнгра «Муштум» журналида ишлаган. «Ватанпарвар» газетасидаги фаолиятига 6 йилдан ошди. «Ҳўплам-тўплам» шеърий китоби ҳам чоп этилган.

Майор А. Обрўевни қисм ва бўлинмаларда кўпчилик юрт ҳимоячилари яхши танишади. Ахир, кулгиназнинг бир шингил латифаларидан эшитган ҳар қандай пособнинг-да кайфияти кўтарилиши, жанговар тайёргарликларга руҳланиши аниқ. Хизмат сафарларию ижодий учрашувларда унинг мароқли суҳбатида бўлган ҳарбийларнинг эса сон-саноғи йўқ. Буни қаранг, гап билан овора бўлиб, сал бўлмаса «Бўйдоқ аскар»ни унутаёзибмиз. Аввало оғоҳлантириб ўтай: кулгуга «аллергия»си борлар китобни ўқишмасин! Яна бир «хавфли» жиҳатини шипшитиб қўймасам бўлмайди, шекилли. Китобни бир ўқишга тушсангиз, тугатмагунча ундан бош кўтаролмай қоласиз. Очлигингиз ҳам, тўқлигингиз ҳам, бошқа ташвишу хаёлларингиз ҳам эсдан чиқади, қолади. «Бўйдоқ аскар»ни мутолаа қилаётганингизда кулгу бўйича ҳароратингиз кўтарилиб кетса, ажабланманг. Сув юз даража ҳароратга етганда қайнайди. Демак, муаллиф ҳам кулгунинг юракдан қайнаб чиқадиган ҳароратини яхши билади. «Ҳушёрлик», «Бошланмадими?», «Паттачи бола», «Ибтидоий одам», «Бўйдоқ аскар» каби ҳажвий ҳикояларни, «Учра... Сув», «Диван» каби миниатюраларни ўқиганингизда дилдан яйраб кулишингизга шубҳа йўқ.

Х. ҒАНБУЛЛАЕВА.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

БОМИЁНДА УЧИНЧИ БУДДА ҲАЙКАЛИ БОРМИ?

2001 йил январида Афғонистоннинг Бомиён вилоятини ўз назоратига олган «Толибон» ҳаракати дунё аҳлини ларзага келтирган видеотасвир тарқатди. Унда буддавийлик динининг энг нодир ёдгорликлари саналган, қояга ўйиб ишланган иккита баҳайбат ҳайкалнинг портлатилиши акс этган эди.

Орадан бир ярим йил ўтиб, Афғонистон секин-аста тинч ҳаётга қайта бошлаган пайтда дунё тарихчилари ва маданиятшуносларининг диққати яна Бомиёнга қаратилди. Маълум бўлишича, толибон томонидан вайрон қилинган ёдгорликларнинг ёнгинасида, ер қаъ-рида учинчи ҳайкал ҳам бор экан.

Очиғини айтганда, Бомиёндаги учинчи ҳайкал ҳақидаги хабарлар анчадан буён бор эди. Вироқ улар ҳаддеганда тасдиқланавермаганидан сўнг, бу мавзу кўпчиликнинг эътиборидан фаромуш бўлди. Лекин Афғонистондаги вазият барқарорлашганидан фойдаланган муаррих ва қадимшунослар изланишларни давом эттирди ва охир-оқибат Бомиёнда яна бир нодир ҳайкал борлигини тасдиқловчи маълумотларни топишга муваффақ бўлди.

Археологларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳайкал бўйи 200 метрдан ошиши мумкин (2001 йили вайрон қилинганларнинг баландлиги 53 ва 38 метр эди). Хитойлик тарихчиларнинг маълумотларида айтилишича, Бомиёндаги учинчи ҳайкал нирванага (буддавийлик динидаги жаннат) ўтиш олдидаги ҳолатда тасвирланган. Бомиёнда истиқомат қилувчи аҳоли орасида мавжуд афсоналарда эса, учинчи ҳайкал фақатгина қояга ишланган буддалар вайрон бўлгач топилиши айтиб ўтилган.

Нодир ҳайкалнинг ўзи ҳали ер юзига олиб чиқилмаган бўлса-да, у ҳозирданоқ мутахассислар орасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бир гуруҳ тарихчилар агар Бомиёндаги ҳайкал ҳақиқатан ҳам бор бўлса, у ҳолда дарҳол қазиш ишларини бошлаш ва уни юзага олиб чиқиш лозим, деган фикрда. Бу, уларнинг айтишича, бир томондан, афғон халқининг топталган ғурурини тиклашга ёрдам берса, иккинчидан, мамлакатнинг халқаро ҳамжамият олдидаги обрўсини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Муаррих ва қадимшуносларнинг бошқа гуруҳи эса ҳайкални ер тагидан олиб чиқиш мумкин эмас, демоқда. Уларнинг фикрича, ҳайкал жойлашган ҳудуд бир пайтлар шўро аскарлари томонидан миналаб ташланган. Шу сабабли қазиш ишлари хавфсиз кечишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Устига-устак, мутахассислар тахмин қилинаётган ҳайкалнинг жойи борасида ҳам бир тўхтамга кела олмаяпти. Кимдир нирванага йўл олган Будда вайрон бўлган ҳайкаллардан бор-йўғи 800 метр нарида, бир неча метр чуқурликда жойлашган, деса, бошқа биров у ён атрофдаги тоғлардан биридаги бағ-ҳайбат ғорда, деган фикрда.

Тарихчи ва қадимшунослар ўртасидаги баҳслар давом этаётган бир пайтда Кобулда ўтган қадимшуносларнинг йиғилишида Афғонистоннинг маданий ёдгорликлари, хусусан, толибон томонидан вайрон этилган ҳайкалларни тиклаш учун БМТ бир неча ўн миллион доллар ажратишни режалаштираётгани маълум бўлди. Баъзи хабарларга кўра, учинчи Будданинг жойини аниқлаш ва қазиш ишлари ҳам шу маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Б. СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СПОРТ

ТЕННИС. ТУРНИР ЖУРНАЛИСТОВ

В честь праздника

Проводить празднование Дня работников печати и средств массовой информации в парке имени Мирзо Улугбека стало уже доброй традицией. Ежегодно в этот день здесь собираются сотни журналистов и полиграфистов, чтобы подвести своего рода итог о проделанной работе, наметить задачи на будущее. А их, как известно, перед журналистами стоит немало, о чем красноречиво свидетельствуют слова нашего Президента Ислама Каримова, высказанные им в его поздравлении в честь профессионального праздника.

Надолго в памяти тех, кто принял участие в данных торжествах, останутся чествование лучших журналистов, концерт мастеров искусств. Несомненно, украшением праздника стали и спортивные соревнования и, в частности, турнир по настольному теннису среди журналистов, организатором которого впервые выступила редакция газеты «Ватанпарвар». Пусть не сочтут читатели эти слова за чрезмерное бахвальство, но устроители турнира приложили немало сил для того, чтобы он прошел на высоком организационном уровне, а победители по достоинству были оценены.

Анонс о предстоящем турнире был заранее опубликован на страницах газеты, а потому заинтересовал большое количество любителей этой увлекательной игры. В стартовом протоколе соревнований значилось четырнадцать участников, представляющих газеты, журналы, издательства, информационные агентства. После жеребьевки они были разделены на две подгруппы, одну из которых возглавил неоднократный победитель подобного рода турниров — редактор газеты «Спорт» Хайдар Акбаров, а вторую — сотрудник УзА Анвар Каримов. Согласно регламенту игры проводились по круговой системе, что вызывало дополнительную интригу и во многом выравнивало шансы всех участников. Однако, уже первые поединки с участием лидеров наглядно продемонстрировали, кто может реально претендовать на заветные места в полуфинальной четверке.

В первой подгруппе, не оставив соперникам никаких шансов, победителем стал Анвар Каримов. А вот судьба второй путевки не была известна практически до самого завершения группового турнира. Более настойчивым в достижении поставленной цели оказался Фахритдин Каримов («Маърифат»). Аналогичная ситуация сложилась и во второй подгруппе, где окончательные точки над «и» были расставлены лишь в очной встрече Хайдара Акбарова и представителя издательства «Халк мероси» Асрорбека Муминова. Асрорбек уступил и тем самым осложнил свое положение, поскольку в полуфинале ему предстояло скрестить ракетки с лидером первой подгруппы. А вот выход в финал Хайдара был практически решен.

Первой «выясняла» отношения пара А. Каримов—А. Муминов. Тактически грамотнее сыграл Асрорбек, за счет чего и вынудил своего визави признать поражение — 2:1. Противостояние Х. Акбаров — Ф. Каримов было менее драматичным — 2:0.

И вот заветный финал. На кон поставлен аудиомагнифотон, за который боролись Акбаров — Муминов. Последний, видимо, слишком много сил отдал в предыдущей игре и в итоге уступил — 2:0. Жаль, но второе место — это тоже существенный успех, а потому старания теннисиста были вознаграждены фотоаппаратом. Обладатель третьего приза — электрочайника «Ровента» — Анвар Каримов. Фахритдину Каримову вручен утешительный приз.

Хозяином еще одного сувенира — аудиоплейера — стал выступающий на турнире вне конкурса Косым Абдукаримов, которому также почти не было равных. Несмотря на свой юношеский возраст, он показал довольно зрелую игру, которая, наверняка, могла бы заинтересовать специалистов. Положительно сказываются у парня и систематические тренировки в секции настольного тенниса, и уже немалый опыт не только городских, областных, но и республиканских соревнований.

Торжественная церемония закрытия турнира была непродолжительна. Вручив награды, главный редактор газеты «Ватанпарвар» полковник И. Абдукаримов выразил надежду, что данные соревнования под патронажем «ватанпарваровцев» станут традиционными. Что ж, до новых встреч.

Я. КОРУКА.

На снимке: **победители турнира.**

Фото **К. ТУРАЕВА.**

ФУТБОЛ ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

РОБОТЛАР ҲАМ ФУТБОЛ ЎЙНАМОҚДА

Футбол бўйича Жанубий Корея ва Японияда давом этаётган жаҳон чемпионати кунларида футбол ишкибозларининг диққати яна бир жаҳон чемпионатига қаратилди. Япониянинг Фукуока шаҳрида роботлар ўртасида жаҳон кубоги учун дастлабки босқич ўйинлари бўлиб ўтди.

Дастлаб маҳаллий стадионда тўрт оёқли автомобилсифат роботлар куч синашдилар. Сўнг улар сафига бўйи 120 сантиметр келадиган икки оёқли «гуманоидлар» ҳам қўшилди. Скафандр кийган фазогирларга ўхшаб кетадиган «чарм тўп усталари» «Хонда» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган.

«Роботлар кубоги» учун бўлиб ўтган ўйинларнинг гуруҳ босқичида 30 мамлакатдан 193 жамоа иштирок этди. Терма жамоалар ўйинчиларининг бўйи, оёқлари сони ва жасадига қараб лигаларга бўлинди.

Мусобақа қондалари ҳам анъанавий. Барча ўйинлар икки таймдан бўлиб, ҳар бири ўн дақиқадан иборат. Футбол майдонлари ва дарвозаларнинг катталиги «чарм тўп усталари»нинг катта-кичиклигига қараб белгиланди.

Бундай мусобақалар 1997 йилдан буён ҳар йили ноябрь ойида ўтказиб келинарди. Мақсад—2050 йилга бориб, одамлар ва роботлардан ташкил топган терма жамоалар ўртасида илк жаҳон биринчилигини ўтказиш. Мутахассисларнинг фикрича, бу вақтга келиб сунъий ақл даражаси инсонникига тенглашиб қолади. Яъни, «андроид» ўйинчилар олдида Бэкхем ёки Зиданга ўхшаган моҳир футболчилар оддий ҳаваскор даражасига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бир сўз билан айтганда, тиниб-тинчимас японлар футболда ҳам ўзига хос инқилоб ясамоқчи.

С. РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СЎНГАН СЕВИНЧ

(ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)

Севинч уйига охирги марта қишки таътилда борганди. Шундан сўнг фақат мактуб йўллади-ю, лекин имконият туғилса-да ўзи бормади. Чунки, у ўзини катта, энди ўзимга хон, ўзимга бекман, деб ўйлар, кечасию кундузи кўчадан бери келмасди. Мана, яқинда унинг туғилган куни. Албатта бунга лоқайд қараб бўлмайди. Ахир дугоналари туғилган кунларини эсда қоларлик қилиб ўтказишди. У ҳам бўш келмаслиги керак. Акс ҳолда уни менсимай қўйишлари мумкин. Ўйлаб-ўйлаб уйига хат ёзди.

Мактубни олгач, Сафар ака Тошкентга ошикди. Гулрухсор ая икковлари бирга боришни ва Севинчнинг дўстлари билан танишиб, туғилган кунини ўтказиб келишни ният қилдилар. Улар қизлари учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар. Икковининг ҳам бу дунёдаги ёлғиз овунчоғи шу. Бўлмаса-чи, ахир Севинч Сафар ака билан Гулрухсор аянинг йигирма йиллик турмушларидаги ягона қувонч. Шу боис ҳам унинг исмини Севинч қўйишган-да. Эҳ-ҳе у туғилгунга қадар эру-хотин ўзларини қаратмаган табиб, қилмаган илму амали қолмаган эди.

Аслида улар Севинчни Тошкентга ўқишга юбормоқчи ҳам эмас эдилар. Чунки, Севинчни еру кўкка ишонишмасди. Аммо, ўқитувчилар, айниқса мактаб директори Сафар акага «Севинчни ўқишга юбормасангиз бўлмайди», дея кўп бор такрорларди. Ота қизининг туман, вилоят олимпиадаларида яхши натижаларга эришганлигидан доимо фахрланар ва кўнглининг бир четида, қизимни ўқишга қўйсаммикин, деган ўй турарди. Охири у шунга қарор қилди. Олий ўқув юртига кириш синовларидан қизи муваффақиятли ўтди ва талаба бўлди. Тошкентга жўнаш олдидан унга мактаб директори юксак ишонч билдириб: «Қизим, сен мактабда доимо аъло баҳолар билан ўқидинг. Университетда ҳам ана шундай аъло ўқигин»,— деган эди.

Ўқиш давомида Севинч бу ишончни оқлашга ҳаракат қилди. Биринчи ярим йилликни фақат аъло баҳолар билан тугатди. Аммо, иккинчисига ўтганда «айнди». Унинг тобора ўша ётоқхонада бирга яшайдиган икки «модний» дугоналарига бўлган тақлиди орта борди...

Ота-она бозорга тушиб, Севинчнинг туғилган куни учун барча майда-чуйдаларни олиб келишди. Ҳамма нарсаларни тахт қилиб, эртага Тошкентга жўнаймиз деб турганларида, бир оз касалманд бўлиб қолган Гулрухсор аянинг бошида яна огриқ турди. Бу аҳволда сафарга чиқиб бўлмайди. Аммо, бормасликнинг ҳам иложи йўқ.

Кўпни кўрган, оқила Гулрухсор ая ўзича вазиятни тўғри баҳолади. Сафар акага: «Сиз боравринг. Ҳозир жўнаганингиз маъқул. Мен бир амаллаб кунимни кўриб турарман. Иккимиз ҳам бормасак қизимизнинг кўнгли ўксийди»,— деди. Сафар ака икки сумкани кўтарди-ю, оёғи тортмаса-да, йўлга чиқди. Ахир, ҳувиллаган ҳовлида аёлининг бир ўзини ташлаб кетиш оғир эди.

Автобус барвақт пойтахт қучоғига кириб келди. Сафар ака Севинчни ўзи ётоқхонага жойлаштириб кетганлиги учун йўлда адашмади. Мана, бу ёғи яқин қолди. Бир оз пиёда юришга тўғри келади.

Уйда қолган бетоб умр йўлдошининг ўйи, қизининг соғинчи билан йўлда боррқан, Сафар акага тун бўйи автобусда ухламай келиб чарчагани, қўлидаги сумкаларининг оғирлиги ҳам, ҳаттоки йўлга чиқиш олдидан тамадди қилиб олмагани ҳам сезилмас эди. Шунда беҳосдан унинг хаёли учди. Севинчнинг болалик онлари кўз ўнгидан ўта бошлади.

Соддагина қишлоқ қизи. Сочлари узун, тим қора, юзлари ойдек, ўзига хос қизил, хуш қомат. Айниқса, унинг лов-лов ёниб атлас кўйлак кийиб юриши Сафар акага ҳам ёқарди. Шунинг учун унга кўпинча атлас кўйлак олиб берарди. Бугун ҳам атлас кўйлак совға қилмоқчи!

У ширин хаёллар билан Севинч яшайдиган ётоқхона ёнига етиб келди. Ҳув анави дераза — уники. Сафар ака ўзи илиб берган дераза пардасини ҳам таниди.

— Севинч! Се-еви-инч!!

Шунда дераза очилиб, қип-қизил, калта сочли бир қиз қаради.

— Севинч борми? Мен унинг отаси бўламан,— деди Сафар ака ҳаяжон билан.

— Ҳа, шу ерда. Кийиниб, тез тушади.

Қизини кутиш баробарида Сафар ака ўйлай бошлади. Онасининг бетоблигини унга айтсамикин? Йўқ. Ундан кўра яхшиси, сумкаларни бериб, тезда қайтиб кетади. И-е, унда отам нега тез қайтиб кетди, деб хавотирга тушмайдими?

Севинч тезда чиқавермади. Сафар аканинг эса ўйлай-ўйлай боши қотди. Оқшом уйқудан қолганлиги, қорни очлиги ҳам шу дамда билинди, унга. Шу пайт ётоқхона эшигидан кимдир чиқиб, Сафар ака томонга кела бошлади.

— Севинчга ўхшар экан-ми?— хаёлидан ўтди, унинг.

— И-е, ҳақиқатан ҳам Севинч-ку! Унинг шими йўқ эди-ку. Бўлганда ҳам кийиб масди. Нима бало, кийимининг елкасини тикувчи кесиб қолганми? Бой шарманда? Севинчнинг юзлари ҳам бошқача эди. Наҳотки шу ўзининг ёлғизи — севинчи бўлса?! Сочи қани?

Севинч отасига етиб келишига озгина қолганда, югуриб унинг қучоғига ўзини отди. Шунда аллақандай ҳид Сафар аканинг димоғига «гуп» этиб урилиб, кўнглини айнитди. Ўзи не дард билан эди. Бунинг устига қизининг бу аҳволи. Сафар ака қизига ҳеч нарса деёлмасдан бир-икки дудуқланди-да осмон боши ўзра айланиб «шилқ» этиб йиқилди...

Беҳзод ШУКУРОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

СКАНВОРД

							Мусиқий нота	Расмий ҳужжат	
Қарғасимон қуш	Довучча		Уйнинг катта хонаси		Енгил		Иззат-нафс	Хориж авто русуми	
				Подшох					
	Киноя, кесатиқ		Ишнинг энг қизғин пайти	Ичимликмас ичилади				Россия телеканали	Франция футбол клуби
	Қўл қўйиш	Ёғин тури				Даштда яшовчи йиртқич ҳайвон			
				Майда чиннидиш		"Реал" ҳужумчиси	ДАН		
	Асад, дали, ҳут, ...	Кучли туртки						Келишик қўшимчаси	
				Қизлар исми		Рухсат	Мактуб	Соқин	Ҳасса
		Ариза							Лаҳза
Қизиқ ғалати		Африкадаги давлат					Пайғамбар номи		
				Заиф					

Тузувчи: Акрамжон Хўжамов

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

Изучаем общевоинские Уставы

Уважаемые военнослужащие! Дорогие читатели!

Организованный редакцией газеты «Ватанпарвар» конкурс «Изучаем Общевоинские уставы» даст вам прекрасную возможность не только проверить свои знания и развить творческий потенциал, но и стать обладателями специальных призов (магнитофон, радиоприемник, часы и др.), поощрительных премий. Воспользуйтесь этим шансом! Конкурс завершится в преддверии Дня защитника Родины.

Набранные баллы будут подсчитываться ежемесячно и ежеквартально. Вырежьте очередной тест, подчеркните правильные варианты ответов. Напротив каждого ответа обязательно укажите название использованного Устава и номер статьи из него. Укажите ваши воинское звание, фамилию, имя, адрес и отправьте в редакцию. Не забудьте на конверте поставить пометку «На конкурс!».

Приглашаем к активному участию в конкурсе. Удачи вам!

1. Кто и когда проверяет состояние Боевого Знамени?
А. Начальник штаба не реже двух раз в год.
В. Начальник штаба не реже одного раза в месяц.
С. Комендант не реже одного раза в месяц.

2. Каким образом выдаются пистолеты солдатам и сержантам по тревоге?
А. По записи в книге выдачи оружия.
В. По карточкам.
С. В книге заблаговременно делается запись, а подпись ставится во время их получения.

3. Где хранится книга осмотра (проверки) оружия, и кто производит в ней записи?
А. Хранится у дежурного по взводу. Запись производят лица, прибывшие для проверки оружия.
В. Хранится в оружейной комнате. Запись производят непосредственные начальники, начиная с командира группы и выше.
С. Хранится в канцелярии у командира взвода. Запись производят непосредственные начальники, начиная с командира взвода и выше.

4. Кому объявляется лично на совещании о наложенных дисциплинарных взысканиях?
А. Солдатам, матросам.
В. Военнослужащим, проходящим военную службу по контракту, офицерам.
С. Старшим офицерам.

5. В какой срок в воинской части решаются предложения, жалобы и заявления?
А. Один месяц со дня поступления.
В. Безотлагательно, но не позднее 15 дней со дня поступления.
С. Ответы А и В верны.

6. Разрешается ли арестованным солдатам, сержантам и старшинам иметь при себе курительные принадлежности?
А. Разрешается.
В. Не разрешается.
С. Разрешается по разрешению коменданта.

7. Разрешается ли снимать обувь отдыхающим караульным?
А. Разрешается.
В. Не разрешается.
С. Только с разрешения начальника караула.

8. Из какого расчета личного состава в караульном помещении должно быть столов и стульев в столовой?
А. На 2/3 личного состава караула.
В. На весь личный состав караула.
С. На 1/3 личного состава караула.

9. Укажите соответствующий сигнал при управлении строем руками, используя следующие условные знаки:
А. По местам.
В. Глуши двигатель.
С. Заводи.

10. Укажите соответствующий сигнал при управлении строем руками, используя следующие условные знаки:
А. В линию колонн.
В. В линию машин.
С. Увеличить дистанцию

ВАШИ ДАННЫЕ:

1. Воинское звание, фамилия, имя, отчество _____

_____

_____

2. Адрес: _____

_____

_____

3. Предложения: _____

_____

_____

Вопросы теста подготовил подполковник Н. ГУЛБАЕВ.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИ бизнесда ва бошқа, ҳатто энг муҳим ишларда ҳам атрофдагилар қўллаб-қувватлашига ишониши мумкин. Шу билан бирга, сиз ўз шахсий сезгингизга ҳам ёндашсангиз, омад сизга ёр бўлади. Фақат эҳтиёт бўлинг: ҳис-туйғуга ҳаддан зиёд берилиш руҳий саломатликни бўшаштириб қўйиши мумкин. Юлдузлар ёрдами чоршанба куни сизга ёр бўлади.

ҚОВҒА. Компьютерда ишловчилар бош оғриги ва кўз билан боғлиқ муаммоларга дуч келишлари эҳтимоли бор. Аммо барибир ишлашга тўғри келади, чунки сизнинг яқин келажакда лавозим бўйича кўтарилишингиз ҳозир раҳбарлар ва касбдошлар кўзига қандай кўринишингизга боғлиқ. Талаба ва мактаб ўқувчиларига ҳозирги бўш вақтларини беқорга ўтказмасдан, китоблар ўқиб, кейинги ўқув йилига тайёргарлик кўриш тавсия этилади. Сизни душанбада омад кутмоқда.

БАЛИҚлар ўз ниятиқликлари билан атрофдагиларни чарчатиб юборишди. Лекин бу ўзларига билинмайди, улар «мени аҳволимни ҳеч ким тушунмайди», деб ўйлайдилар. Сизнинг иштаҳангиз очилиб кетиши мумкин. Эҳтиёт бўлинг, овқатни танлаб енг, ҳазм қилолмаслик ва заҳарланиш сизнинг ортингиздан юрибди. Депрессия ва ҳаяжонларни ўз ички кучингиз билан бартараф қилишга ҳаракат қилинг. Душанба ва жума — қулай кунлар.

ҚУЙ ўз қувватини назорат қилмоқчи, аммо бу амалга ошмаяпти, чунки у бир вақтнинг ўзида ҳам газни, ҳам тормозни босмоқчи бўлаётгандек, гўё. Юлдузлар «ўзингизга қараб кўришни» маслаҳат беришмоқда. Бунинг учун сизга осойишталик керак, лекин турли йиғинлар ва бошқа жиндагилар билан ўта қизиқиш бунга ҳалақит бермоқда. Соғлиғингиз ҳам ўзини эслатиб турибди. Сиз учун омадли кун — пайшанба.

БУЗОҚ агар ҳафта охирида узоқ муддатли хизмат сафарига кетишни режалаштирган бўлса, бунда само кучлари унга ёрдам беради. Уйда ҳам ишлар кўп, маблаг масаласи ҳам яхши вақтлардагидек эмас, аммо яқинлар билан муносабатлар энг гуллаган давр. Шу сабабли сизга уларни ташлаб кетиш яхши эмасдек кўринмоқда. Соғлиғингиз ҳозирча безовта қилмаяпти, аммо 1—2 кун дам олиш сизга зарар қилмайди. Ўйлаган нарсаларингиз учун шанба куни омадли бўлади.

ЭГИЗАКЛАР ҳафта бошида ишларни тартибга келтириб олишлари лозим. Агар столингиз устидаги қоғозларни чанг босиб ётган бўлса, бу хонани тозалаш ва ишлаш вақти келганлигини билдиради. Табаррук жойларга, театр ёки кўргазмага боринг — бу сизга яхши таъсир кўрсатади. Агар вақтингизни тўғри тақсимлай олсангиз, сешанба ва якшанба сиз учун жуда ёқимли кунлар бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА янада фаол, ҳатто тажовузкор бўлади. Юлдузлар ўзингизни босишни ва яқинлар билан, асосан болалар билан можарога бормасликни тавсия қилмоқда. Улар сизни серкаҳл одам, деб эслаб қоладилар. Агар кўнгилсизликлар сабаби ишхонада бўлса, бунга фалсафий томондан ёндошинг ва қалбингиз осойишталиги ҳамма нарсадан қимматэканлигини ёдда тутинг. Асабни эҳтиёт қилинг — у ошқозон ва бош оғригига сабаб бўлиши мумкин. Чоршанба — сиз учун омадли кун.

АРСЛОН учун унча узоқ бўлмаган жойга дам олиш сафарига бориш вақти келди. Бу бир оз ёзилишга ва шиддатли иш давридан сўнг кучларни қайта тиклаб олишга ёрдам беради. Ақлий ва жисмоний куч талаб қилувчи ишларни эса ҳафта бошида бажариб олишга ҳаракат қилинг. Кейин мазза қилиб дам олаверасиз. Бунда ёнингизда болаларингиз бўлса янада яхши. Жума куни сизни омад кутмоқда.

ПАРИЗОД агар атрофдагилар билан мулоқотдан қочиб беркиниб юрмаса, тақдир туҳфаларини қабул қилиб олишга ўзи тайёр бўлса — уни омад ҳафта давомида тарк этмайди. Соғлиғингизга эътибор беринг: бу ҳафтада асаблар заиф бўлади — бекорга ҳаҳлни чиқараверманг, яқинларингизга нисбатан чидамли бўлинг. Қулай кунлар — душанба ва пайшанба.

ТАРОЗУлар дўстлари ва танишлари учун «ҳакам»лик қиладилар — улар сизнинг ёрдамингизга муҳтож, шундай экан, чидамли бўлинг ва иложи борича тўғри қарор қабул қилиш ва маслаҳат беришда одил бўлишга ҳаракат қилинг. Агар бунга ўзингизда куч камлигини қалбан ҳис этсангиз, бу даврни шаҳардан ташқарида ёки курортда ўтказиш фойдали — ахир соғлиғингиз ҳам ўзини эслатиб турибди-ку. Сешанбада омад сизга ёр бўлади.

ЧАЁНлар бошқалардан бу ҳафтада асаблари жойида бўлиши билан ажралиб турадилар. Сизнинг «боқибеғам»лигингизга дўстлар ва яқинларингиз ҳавас қиладилар. Аммо бундай хотиржамлик атрофдагилар билан муносабатларга таъсир қилмаслиги лозим. Ота-онангизга янада эътиборли бўлинг. Енгил жароҳатлар олиш эҳтимоли бор — «кўзингизга қараб» юринг. Омадли кун — пайшанба.

ЎҚОТАР кўпроқ вақтини уйда ўтказишни жуда хоҳлайди ва ошхонада ўзини кўрсатиши мумкин. Бу ҳафтада энг муҳими — оилада тинчлик ва хотиржамлик бўлиши, шу сабабли қандай таом тайёрлашингизнинг фарқи йўқ. Соғлиғингиз сизни безовта қилмайди, юлдузлар эса чоршанбада омад келишини билдирмоқда.

Этот пестрый мир

ГДЕ ЕСТЬ НАЧАЛО КИТАЙСКОЙ СТЕНЫ?

Стену начал строить первенец династии Цинь — император Шихуаньди в 221 году до нашей эры. Строительство велось в мощном в те времена темпе — столетиями. Окончательный свой облик Стена обрела только в XIV веке. Официально ее длина составляет 7200 километров. Есть расхожее утверждение, что ее хорошо видно из космоса... До сих пор появление этого архитектурного монстра — сплошная тайна. Китайцы объясняют необходимость Стены тем, что она психологически отпугивала противника. Американские ученые придерживаются гипотезы, что таинственное сооружение — проект инопланетной цивилизации, представляющий собой гигантскую антенну для межгалактической связи. Тем более, что Шихуаньди в древнекитайских хрониках именуется не иначе как «мудрейший из Сыновей неба». Но есть и более трезвое объяснение. Оно основано на требованиях древних китайцев к ширине Стены, где должны были свободно расходиться две повозки. Согласно этой «тележной» гипотезе, истинное назначение сооружения — охраняемая транспортная артерия, связывающая сразу несколько китайских провинций.

ОРИГИНАЛЬНОЕ ОГРАБЛЕНИЕ

Как стало известно, преступники, ограбившие в Париже ювелирный магазин, в ходе ограбления использовали пылесос. В ограблении участвовали четверо преступников. Протаранив витрину магазина мотоциклом, они, угрожая оружием, собрали драгоценности с витрин при помощи пылесоса. Представитель полиции отметил, что со стороны преступников это довольно умный ход, позволяющий сэкономить время и, скорее всего, этот способ будет взят на вооружение другими грабителями.

Данное же ограбление ювелирного магазина стало восьмым за этот год в Париже. В прошлом году таких преступлений было совершено 13.

(По материалам печати).

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 0254.